

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 42 (19.713). • 1987 йил 19 февраль, пайшанба • Баҳоси 3 тийин.

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ!

ОММАНИНГ АКТИВЛИГИ, ИЖОДКОРЛИГИ ҚАЙТА ҚУРИШ НЕГИЗИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев 17 февраль куни Москвадан Ригага жўнаб кетди.

* * *

РИГА, 17 февраль. Бугун КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев Ригага келди.

Аэродромда уни Латвия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Б. К. Пуго, Латвия ССР Олий Совети Президиумининг раиси Я. Я. Вагрис, республика Министрлар Советининг Раиси Ю. Я. Рубэн, Латвия Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари кутиб олдилар.

Шу куни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари В. И. Ленин ҳайкали пойига гуллар қўйди.

Бу ерда Рига марказида М. С. Горбачевнинг Латвия меҳнаткашлари билан дастлабки суҳбатлари бўлди.

М. С. Горбачев йиғилганларни КПСС Марказий Комитети, Марказий Комитет Сиёсий бюроси номидан самимий табриклади. Сизлар билан учрашиш, деди у, ҳозирги кун тўғрисида, сиёсатимиз ҳақида, бу сиёсатни сизлар қандай тушунаётганингиз, у сизларда қандай саволлар туғдираётганлиги тўғрисида фикрлашиб олиш менга қувонч бағишлайди.

Суратда: ригаликлар билан учрашув пайти.

Биринчидан, об-ҳаво, туман бўлишига қарамай, сизларнинг ҳузурингизга келганлигимдан жуда хурсандман, деди М. С. Горбачев. Мен Латвияга келишни аллақачон режалаштириб қўйган эдим. Шу боисдан ҳам, вақт тиғиз бўлишига, олдинда касаба союз съезди, бошқа ишлар турганлигига қарамай, сизларнинг республикангизга ва Эстонияга боришга қарор бердим. Сизларнинг ҳаммангизни кўришдан хурсандман. Келганларингиз учун раҳмат. Бугун Ригада ишлашаптими ўзи ёки йўқми? (кулги).

Овозлар: Ригада ишлашяпти.

М. С. Горбачев: Биз ҳаммамиз ишлашимиз керак. Сизлар буни англаб олгансизлар, деб умид қиламан.

Овозлар: Англаб олганмиз.

М. С. Горбачев: Биласизларми, баъзида шундай деб сўраб қолишади: мана нуқул қайта қуриш, қайта қуриш, деб гапиришмоқда. Хўш, у нима бермоқда? Мен сизларнинг активларингиз билан учрашганимда бу мавзуга тўхтайман. Ҳозир эса шуни айтмоқчиманки, биз сизлар билан бошлаётган нарсалар — жиддий иш. Бу отга миниб, ҳужумга ташланиш эмас. У ёқ бу ёққа назар ҳам ташлаш керак.

Биз апрель Пленумидан кейин одамлар билан, олимлар билан маслаҳатлашдик, съездга нималар билан келишни англаб олиш, таклифларимиз турмушдан олинган бўлиши учун ўтмишни таҳлил этдик. Биз мамлакатда съезд сиёсатини коллектив равишда машаққат билан ишлаб чиқдик ва одамлар уни қабул қилдилар.

Эндиликда проблема мана шуларнинг ҳаммасини экономикада, социал, маънавий соҳаларда, партия ишида рўёбга чиқаришдан иборатдир. Ҳар бир соҳада ҳам энди вақтни бой бермай, бизнинг мана шу сиёсий йўлимизни турмушга татбиқ этиш лозим. Сизларга шуни тўпа-тўғри айтаманки, менимча одамларимиз ишни қандай юритиш кераклигини қалби ва ақли билан билиб олдилар, мен буни жуда қадрлайман. Одамлар бу сиёсатни ўзиники, деб қабул қилаётган экан, энг муҳими мана шундадир. Сиёсатимиз хусусида сизларнинг шубҳаларингиз борми?

Овозлар: Йўқ.

М. С. Горбачев: Мабодо сизларда бирон-бир шубҳа-гумон бўлган тақдирда ҳам гап жузъий нарсалар тўғрисида боряпти, деб ўйлайман. Баъзилар ҳали қайта қуришни бошламаган, бошқалари эса ишонч билан, дадилроқ олға бормоқдалар, учинчи бировлар эса ишни ўзгартириб нима ҳам қилдим, менга шундоқ ҳам ёмон эмас, деб ўйламоқдалар.

Дарҳақиқат, қайта қуриш кимларнингдир манфаатларига дахл қилади, кимлардир ҳозир ҳам ўзларини бемалол ҳис этмоқдалар. Аммо бу аҳвол ҳаммамизга маъқул эмаслигини кўриб турибмиз. Демак, ҳамма ўз ишини қайта қуриши, Сиёсий бюро ҳам, ҳукумат ҳам ўз ишини қайта қуриши керак. Мен мана шуни Пленумда рўй-рост айтдим. Ҳамма ўз ишини қайта қуриши лозим. Бу ишда бизнинг тақдиримиз битта. Буни яхши англаб олиш керак.

Ўйлайманки, икки-уч йил жуда қийин бўлади. Агар биз белгиланган ҳамма режаларимизни рўёбга чиқарсак, беш йилликнинг охирига борибоқ жадаллаша бошлаймиз. Келгуси беш йилликда эса иш жуда юришиб кетади, биз суръатларни тезроқ ошира бошлаймиз. Хуллас, сиз билан бизнинг ишимиз кўп.

Табриклаб кутиб олганингиз учун раҳмат. Сизларнинг: шу йўлни давом эттираверинг! — деган овозингизни эшитиб турибман. Хўш, биз чекинамиз, деган шубҳа борми?

Овоз: Йўқ. Онгни ўзгартириш керак.

М. С. Горбачев: Онгни ўзгартириш. Мана бу — тўғри гап.

Овоз: Энг муҳим гап.

М. С. Горбачев: Тўғри айтасиз, энг муҳим гап. Энг қийини — ўзимизда. Сизларга очиғини айтсам: агар биз шу қийинчиликни бартараф этсак, онгни зарур тарафга буриб юборсак, мамлакатимиз жуда илгарилаб кетади. Чунки биз — бой мамлакатмиз. Бойлигимиз ресурслар нуқтаи назаридангина эмас. Биз ўз халқимиз билан ҳам, имкониятларимиз билан ҳам, илм-фанимиз билан ҳам боймиз. Бизда ҳамма нарса бор. Фақат сиз билан биз ишни бироз бўшаштириб юбордик, келгусида бундай қила олмаймиз. Буни ўзларингиз ҳам ҳис этиб олдингиз. Бу эса иззат-нафсимизга тегди, деб ўйлайман. Бизнинг одамларимиз, асосан, — ватанпарвар кишилар, ерга, она юртга садоқатли, социализмга эътиқодли ва мамлакат учун жон куйдирадиган кишилар. Бу — бизнинг қайта қуришдаги реал кучимиздир. Қайта қуриш ҳақида раҳбарларгина гапирмасдан, балки одамлар бунга қўшилишлари ва бутун вазиятни ўз қўлларига олишлари муҳимдир. Энг муҳими — мана шу. қайта қуришнинг асосий маъноси — мана шу.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари латиш қизил ўқчилари ёдгорлик-музейини зиёрат қилди. Шу ердаги майдонда Рига университети ва политехника институтининг студентлари тўпланишди.

— Кайфиятингиз қалай? — деб сўрайди Михаил Сергеевич.

Овозлар: Жуда яхши.

М. С. Горбачев: Ҳамма иш жойидами? Студентларни нималар қизиқтиряпти?

Овоз: Бюрократларнинг янги авлоди ўсиб етишмаса яхши эди.

М. С. Горбачев: Мен ҳам шундай бўлмасин дейман, аммо бу сизларнинг ҳам вазифангиз.

Овоз: Ҳаракат қиламиз.

М. С. Горбачев: Азаматлар, сизлар ҳаётга актив киришяпсизлар. Ҳозир мамлакатимизда қилинаётган ишларнинг ҳаммаси — асосан сизлар учун. Икки-уч йилдан кейин сизлар амалий ҳаётга қўшиласизлар. Шу боисдан, биз қайта қуриш ҳақида гапирганимизда ёшларга мурожаат этамиз.

Овоз: Ёшларга кўпроқ ишониш керак.

М. С. Горбачев: Мен ҳам шунинг тарафдориман.

Овоз: Политехника институтимизда қурилаётган бассейн кўпдан бери битмаяпти.

М. С. Горбачев: Бу — яхши эмас, албатта. Аммо ёнингизда денгиз борку. Мен соғлом турмуш тарзи ҳақида ғамхўрлик қилиш керак, деб ўйлайман. Масалан, спортни олайлик. Урушдан кейинги пайтлар қандай бўлгани эсимда. Мамлакат вайрон бўлган эди. Аммо фронтчилар қайтиб келишгач, ёшлар билан ишлаш ташаббускори бўлдилар. Кекса авлод кишиларининг эсида бўлса, ўшанда энг яхши оммавий спорт, энг яхши бадиий ҳаваскорлик бор эди. Ҳозиргидан яхшироқ эди. Ҳозир кийимлар яхши, ҳаваскорлик эса илгари яхши эди. Шу сабабли соғлом турмуш тарзи ўзингизга боғлиқ, ишни ташкил этишингизга боғлиқ.

Музейда М. С. Горбачев революция ветеранлари — латиш қизил ўқчилари билан, Улуғ Ватан урушининг ветеранлари билан учрашди.

М. С. Горбачев ветеранларни самимий табриклаб, революция қилган, Октябрь ғалабаларини ҳимоя этиб, жангда ҳам, меҳнатда ҳам ҳамма синовлардан ўтиб, революцияга, социализм ишига содиқ бўлиб қолган латиш ўқчиларининг жасорати ва тажрибаси биз учун жуда азиз, деб уқтирди. Бу бизнинг буюк бисотимиздир.

Ҳозир ҳаётга кириб келаётган авлод буни кўриши ва билиши жуда муҳимдир.

Ҳар бир авлоднинг ўз практикаси бор, албатта. Агар авлоддан-авлодга ҳаракат бўлмаганида ҳаёт тўхтаб қолган бўлур эди. Аммо ёшлар ҳамма нарсани ўзи бемалол қиёс қила олиш учун иш нимадан бошланганини билиши керак. Ўзлари бемалол қиёс қилишсин. Бироқ тажрибани, ақл-заковатни баҳам кўриш — ветеранларнинг бурчидир. Биз буни табриклаймиз.

Айни шу мулоҳаза билан биз Бутуниттифоқ ветеранлар ташкилотини тузишга қарор қилдик. Аҳолимизнинг мана шу қисми ҳаракатга келди. Аҳолининг бу қисми эса 55 миллион кишидан иборат. Уларда қанчадан-қанча тарих воқеалари, хотиралар, ақл-заковат мужассамлашган. Шу қисмни жамиятимиздан ажратгудек бўлсак, тарих узилиб қолгандек бўлур эди. Биз қаердан пайдо бўлганимиз ҳам маълум бўлмай қолар эди. Энди сўз сизларга.

П. Ю. Гришко: Бизнинг сўзимиз — жуда содда, Михаил Сергеевич, ижозатингиз билан дарҳол айта қолай. Кейинги вақтларда биз, ветеранлар ёшаргандек бўлдик, кучимизга куч қўшилиб, бардам тортиб қолдик. Халқимиз билан ҳамнафас одим ташлаяпмиз. Ҳозир давом этаётган қайта қуришнинг ҳаммаси айни муддао бўлди. Мамлакатимиз оёққа турмоқда, ишлар жадал илгарилаб кетди, мамлакатимизнинг обрў-эътибори ошди, буни ҳар бир киши тушунади ва қадрлайди.

Петерис Юрьевич Гришко — латиш ўқчиларининг мўйсафидларидан бири. Граждан уруши жангларида Октябрь ишини ҳимоя қилган Қизил Армиянинг собиқ пулемётчиси ўн кун муқаддам ўзининг 90 йиллигини нишонлади.

Биз, Октябрь ветеранларининг энг кекса авлоди ёшлар билан ёнма-ён боришга интиляпмиз, деди сўзини давом эттириб П. Ю. Гришко. Яқинда биз Латвия комсомолининг XXIII съездида қатнашдик. Биласизми, нима демоқчимиз. Ёшларимиз революция ишига бизнинг авлодимиз каби садоқатли бўлади. У нақадар ўсиб, камол топаётгани сезилиб турибди. Кори ҳол рўй берган тақдирда улар бизга мададкор бўлишларига аминман.

М. С. Горбачев: Мен жуда тўлқинланиб кетдим, сиз, азиз ветеранлар иккита жуда муҳим мавзуни тилга олдингиз.

Биринчидан, Марказий Комитет, ҳукуматимиз партия XXVII съездидан кейин ўтказаётган сиёсатни қўллаб-қувватлаганингиз учун раҳмат. Бу — сизларнинг жуда катта ҳаётий тажрибангиз позицияларидан туриб берилган баҳо, шу сабабли биз учун бу баҳо жуда муҳимдир. Ёшларга келганда, шуни айтиш керакки, сиз билан биз Октябрь эстафетасини олға элтадиган ўринбосарларни тайёрлаш учун ҳамма ишни қилишимиз керак. Биз учун энг муҳими — мана шу. Биз шу ният билан яшаяпмиз.

Рига шаҳар партия ташкилоти ветеранлар кенгашининг аъзоси **А. П. Залдманис** суҳбатга қўшилади.

Менинг ҳаётимда иккита ёрқин давр бўлган, деди у. Биринчиси 1940 йилнинг июнь кунларида рўй берди. Ўшанда Рига Марказий қамоқхонасининг якка камерасида ўн йил ўтирганимиздан кейин барча сиёсий маҳбуслар озодликка чиққан эдик ва Латвияда совет ҳокимияти қайта тикланган эди. Иккинчиси КПСС XXVII съездининг қарорлари бўлди, турмуш ва ишнинг ленинча нормалари қайта тиклана бошлади.

М. С. Горбачев: Кўксингизда ветеран нишонини кўриб турибман, қачондан бери партия сафидасиз?

А. П. Залдманис: 1927 йилдан буён — 60 йил бўлди.

М. С. Горбачев: Партия сафида олтмиш йил. Бунинг учун раҳмат сизга, Арнольд Петрович. Улуғ Ватан урушида қатнашган ветеранлар ўзларини қандай ҳис этмоқдалар?

Сизни ишонтириб айтмоқчиманки, деб жавоб беради Совет Иттифоқи Қаҳрамони, авиация генерал-майори **Н. П. Грошев:** Қизил латиш ўқчилари ҳам, Улуғ Ватан урушининг қатнашчилари ҳам ёшларимиз, бу ерда айтиб ўтилганидек, бизнинг муносиб ўринбосарларимиз бўлиб етишишлари, бизнинг ишга қўшган ҳиссамизни ҳам унутмасликлари, Сиз январь Пленумида айтганингиздек, янги ҳиссалар ҳам қўшишлари учун керак бўлган ҳамма ишни қиладилар. Шундагина бизда тартиб бўлади.

М. С. Горбачев: Январь Пленуми хусусида сизларда ҳеч қандай савол, ҳеч қандай ноаниқликлар йўқми?

Ф. Я. Миезис: Йўқ, ҳаммаси равшан.

М. С. Горбачев: Қўллаб-қувватлайсизларми?

И. Е. Палдиня: Тўла-тўкис қўллаб-қувватлаймиз, Михаил Сергеевич. Мен партиямиз сафига кирганимга келгуси ойда 70 йил тўлади. Эсимни таниганимдан буён умримнинг ҳар йили тобора бойиб боряпти, чунки ўз билганларимнинг ҳаммасини ёшларга ўргатиб келяпман.

М. С. Горбачев: Ўқчилар, партия солдатлари, кекса коммунистлар, бунинг устига яна узоқ умр кўриш. Бу — т а с о д и ф и й ҳол эмас, бунинг боиси шуки сизда куч-ғайрат бор, ҳаётни севасизлар.

Я. Я. Лусте: Ленинча эътиқод ҳам бор...

М. С. Горбачев: Бу нарса сизлар билан бирга мени ҳам руҳлантиради, бугун биз ёш авлодимизга кексаларнинг, ветеранларимизнинг мана шу мустаҳкам эътиқодини эгаллаб олишини маслаҳат беряпмиз ва шундай бўлишини тилаймиз. Эътиқоди мустаҳкам киши ҳар қандай вазифани уддалайди, ҳар қандай қийинчиликка бардош беради.

Музейнинг ҳурматли меҳмонлар китобига КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари қуйидаги сўзларни ёзиб қўйди:

«Сизларнинг ажойиб ёдгорлик музейингиз менда унутилмас таассурот қолдирди. Латиш қизил ўқчилари — революциянинг афсонавий жангчилари чинакам оммавий қаҳрамонлик кўрсатдилар. Улар Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаларини ҳимоя қилишда пролетар интернационализми ва мардлик тимсоли бўлиб келдилар ҳамда бизнинг хотирамизда шудай бўлиб қоладилар. Латиш ўқчиларининг жасорати Ватанимизнинг барча халқлари учун Улуғ Октябрь идеалларига садоқат намунасидир».

Латиш ўқчилари майдонида минглаб ригаликлар тўпланишди. Улар орасида ёшлар кўп.

М. С. Горбачев: Биз латиш ўқчиларининг меҳмони бўлдик, улар — бизнинг умуммиллий ифтихоримиз. Латиш ўқчилари бутун мамлакатимиз тарихига кирганлар. Бинобарин, сиз, ёшлар учун яхши намуна бор — революция афсонавий жангчиларининг эстафетасини уларнинг ёнида давом эттиришингиз мумкин. Довюрак революция шунқорлари музейига соф виждон билан кира олиш учун бу ишни давом эттириш керак. Ҳар бир авлоднинг ўз вазифалари бор. Сиз билан бизнинг вазифаларимиз ҳам осон, жўн вазифалар эмас. Ўқ овозлари эшитилмаётган бўлса ҳам, замон биздан кўп нарсани талаб қилмоқда.

Ҳозир биз кўпроқ иш қилишимиз кераклигини ва шаҳдамроқ одим ташлашимиз лозимлигини тушуниб олдик, деб ўйлайман.

Ҳар бир жойда, ҳар бир коллективда одамлар ўзларига нималар халақит бераётганини, кимлар халақит бераётганини аниқлаб олсинлар ва хўжайинлардек иш тутсинлар, деймиз.

Овоз: Биз АҚШ маъмуриятининг сиёсатига нисбатан қаттиқроқ муносабатда бўлишимиз керак.

М. С. Горбачев: Сизларга шуни айтмоқчиман: мудофаа масалаларига, ўз манфаатларимизни ва ўз хавфсизлигимизни ҳимоя қилиш қобилиятимизга келганда, шуни айтиш керакки, бу — биз учун муқаддас иш. Сизлар хотиржам бўлаверинглар — биз ҳозир кучлимиз, бу эса бирон-бир кимсанинг биз билан ҳисоблашмаслик имкониятидан маҳрум этади. Бошқа томондан эса, бу нарса бизга актив ҳаракат қилиб, тинчликсевар ташқи сиёсат ўтказишимиз имкониятини очди.

Москва халқаро анжуманига қаранг: унга бутун дунёдан 80 дан ортиқ мамлакатнинг намояндалари келдилар. Одамлар бизнинг дунёни нормал изга солиб юборишимизга ва ҳалокатли оқибатларга олиб бора оладиган тўқнашувлар рўй бермаслигига умид қилмоқдалар. Шу сабабли айтмоқчиманки: биз бирон-бир мамлакатдан, шу жумладан АҚШдан ҳарбий устунликка интилмаймиз ва ўз хавфсизлигимизга ҳам хиёнат қилмаймиз. Бу — биринчидан.

Иккинчидан, биз тинчликнинг тақдирини империализмнинг ҳарбий саноат комплекси қўлига бериб қўя олмаймиз. У фойда олиш учун кўпроқ тўплар ишлаб чиқаришни, кескинликни янада кучайтиришни хоҳлайди. Тинчликнинг тақдири нима бўлиши уни асло қизиқтирмайди.

Сиёсатимизнинг икки жиҳати мана шундан иборат: мустаҳкам экономика, сиёсий жиҳатдан жипслашган жамият ишончли мудофаа ва актив тинчликсевар ташқи сиёсатдир. Бутун Ер юзида мана шу ташқи сиёсат зўр куч билан қўллаб-қувватланмоқда. Келгусида ҳам мана шундай иш тутаверамиз.

Тушдан кейин КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқлик ёдгорлик қабристонини зиёрат қилди ва халоскор совет жангчилари шарафига ёқилган Мангу олов ёнига гулчамбар қўйди.

Шаҳар бўйлаб қилинган сафар вақтида ригаликлар билан янги учрашувлар бўлди. Яна мамлакатнинг ишлари ҳақида гап борди.

Бир ишчи менга хат юборибди, деди Михаил Сергеевич. У бундай деб ёзади: «Сиз ҳамма ишни тўғри қиляпсиз, биз қўллаб-қувватлаймиз. Ошкоралик ҳам, танқид ҳам амалий бўлсин. Шундай қилинмаса ошкоралик билан танқидни модага айлантириб юбориш мумкин. Бизда шундай ҳам бўлиши мумкин. Аввало, амалий иш бўлиши керак».

(Давоми иккинчи бетда).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БОШ СЕКРЕТАРИ НУТҚИ ТЕКСТИ ТАРҚАТИЛДИ

ЖЕНЕВА, 17 февраль. (ТАСС). Бугун қуролсизланиш бўйича конференция қатнашчиларига М. С. Горбачевнинг «Ядросиз дунё учун инсониятнинг омон қолиши учун» халқаро анжумани иштирокчилари ҳузурида сўзлаган нутқи тексти тарқатилди. СССР делегацияси конференция иштирокчилари эътиборини Совет раҳбари нутқида баён этиб берилган дунёни қуролсизлантиришнинг яхлит концепциясига жалб этди, бу концепция аввало ялпи қирғин қуролини йўқотишни назарда тутади.

М. С. Горбачевнинг янги сиёсий тафаккур намоён этиш, ядро қуролидан холи, зўравонликдан халос бўлган дунё сари конкрет қадамлар қўйишга даъватини ялпи мажлисда сўзга чиққан бир қанча делегацияларнинг вакиллари ижобий баҳоладилар.

С. А. КЕШТМАНД СССРга келди

Совет ҳукуматининг таклифига мувофиқ АХДП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Афғонистон Демократик Республикаси Министрлар Советининг Раиси Султон Али Кештманд 17 февраль куни Москвага амалий визит билан келди.

Аэродромда уни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе, КПСС Марказий Комитет Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Н. В. Тализин, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

(ТАСС).

ИСЛАНДИЯ БОШ МИНИСТРИНИНГ СССРГА ҚИЛАДИГАН ВИЗИТИ ТЎҒРИСИДА

Исландия Бош министри Стейнгримур Херманнссон, Совет ҳукуматининг таклифига биноан шу йил март ойининг бошларида расмий визит билан СССРга келади.

Ўзбекистон билан танишув

«Ядросиз дунё учун инсониятнинг омон қолиши учун» мавзуида Москвада ўтказилган халқаро анжуман қатнашчиларидан Тошкентга келган бир группаси Ўзбекистон ҳаёти билан танишмоқда. Группа составида кўпгина мамлакатларнинг ёзувчилари ва жамоат арбоблари бор.

18 февраль куни меҳмонлар Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасини бориб кўрдилар, республика пойтахтининг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар. Шу куни тинчлик тарафдорлари халқаро анжумани қатнашчилари Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамияти ва тинчликни ҳимоя қилиш Ўзбекистон республика комитетининг активлари билан учрашдилар. Меҳмонлар Бухоро ва Самарқандга сафар қиладилар.

(ЎзТАГ).

КОСМИК ВАХТАДА

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ. (ТАСС). Космонавтлар Юрий Романенко ва Александр Лавейкин одам бошқарадиган «Мир» комплекси ичидаги ишни давом эттирмоқдалар. 17 февраль улар «Прогресс-27» кемаси орбитага қўшимча равишда олиб чиққан медицина аппаратларини монтаж қилиб, уларнинг ишлашини текширмоқдалар. Космонавтлар автомат транспорт кемаси юклардан бўшагани сари унинг бўлмасини ишлатиб бўлинган асбоб-ускуналар билан тўлдирмоқдалар. Ёқилғи йўлларининг герметиклиги текширилиб, баклардаги қисилган азот чиқариб олинганидан кейин станция бирлашган мотор қурилмаси ёнилғи билан тўлдирилди.

16 февралда экипаж биринчи марта комплекс медицина текширувидан ўтказилди. Бу иш космонавтларнинг юрак-қон томир системасини тадқиқ этишдан, гавда массасини ўлчашдан, вазнсизликда кам оғирлик тушадиган мушакларнинг ҳолатига баҳо беришдан иборат бўлди.

Текшириш натижаларига кўра, Романенко ва Лавейкин ўртоқларнинг соғлиғи яхши.

«Мир» орбитал комплексининг учиши нормал ўтмоқда.

• Транспорт конвейерига — аниқ маром

ШЕРИКЛАР ТИЛ ТОПИШМАГАЧ...

Бухоро областидаги баъзи корхона ва ташкилот раҳбарларининг ишга совуққонлик билан муносабатда бўлаётганликлари оқибатида юк конвейерида узилишлар барҳам топмаётир. Шу йилнинг ўтган бир ойи якунлари буни яққол кўрсатиб турибди.

Айниқса, республика Қурилиш министрлигининг Бухородаги 6-темир-бетон буюмлари ва керамзит заводида (директори М. Юсупов) шу йилнинг январь ойида аҳвол аянчли бўлди. Юклаш-тушириш майдонидаги тартибсизлик ва ўзибўларчилик темир йўл вагонларини ўз вақтида юкдан бўшатиш, уларга юк ортишда қийинчиликлар туғдирмоқда. Ҳамма иш қўлда бажариляпти. Механизациядан асар ҳам йўқ. Ҳолбуки, бу ерда иш ҳажми оз эмас. Шунинг учун ҳар бир вагонни юкдан бўшатишга 7—8 соат вақт сарфланяпти.

Корхонада юк тушириш-ортиш ишлари кўпинча пайсалга солинади. Чунончи, январь ойининг биринчи ярмида 62 ўрнига 42 вагонга юк ортилди. 20 вагон эса юксиз қолди. Бу эса жарима тўлашга сабабчи бўлди. Ваҳолонки, завод ўтган йили ҳам темир йўлга энг кўп миқдорда жарима тўлаганлардан бири эди. Коллектив кассасидан беҳуда кетган 3 минг сўм пул раҳбар ва мутахассисларга сабоқ бўлмаганига ҳайронмиз. Ахир ана шу совурилган пуллар ҳисобига механизация воситалари сотиб олинса бўлмасмиди?!

Темир йўл иш маромини бузаётган бундай корхоналар талайгина. Бухоро тўқимачилик комбинатида ўтган йили 480 га яқин вагон юклаш-тушириш вақтида нормада белгиланганидан анча ортиқ ушлаб қолинди. Бу эса қарийб 150 минг сўм жарима тўланишига олиб келди. Бу йил ҳам аҳвол ўзгармаяпти.

Бухоро ёғ-экстракция заводи. «Бухараирстрой» трестининг Қоракўл районидаги механизациялашган кўчма колоннаси, «Амубухараканалстрой»га қарашли 163-қурилиш трестининг техника комплектлаш ишлаб чиқариш бошқармаси, Бухоро паррандачилик фабрикаси, «Узагропромстрой»нинг областдаги қурилиш-монтаж бошқармалари ва механизациялашган кўчма колонналарида ҳам аҳвол ёмон. Бу жойларда вагонлар ҳаракатини тезлаштириш чоралари кўрилмаяпти.

Ўтган йили Бухоро ёғ-экстракция заводи 429 вагонни нормадагидан 9481 соат зиёд ушлаб турди. Бунинг учун корхона 47 минг сўм жарима тўлади. Завод раҳбарлари (директори А. Бобомуродов, бош инженери И. Исмоилов ўртоқлар) ана шу аччиқ сабоқдан ҳалигача хулоса чиқарганлари йўқ. Чунки бу йил ҳам аҳвол худди ўтган йилнинг ўзидагидек.

Корхона ҳамда ташкилотларда кириш йўлларининг аҳволи қониқарсиз. Бунга, албатта, Ўрта Осиё темир йўли Бухоро бўлинмаси ҳам айбдор. Бўлинма раҳбарлари ва мутахассислари юк олувчи ва жўнатувчи ташкилот ҳамда корхоналар билан яқин ҳамкорлик йўлини изламаяптилар, қолоқлик билан муроса қилишга кўникиб кетишган.

Беҳуда чиқимлар, йўқотишлар эмас, чинакам ижодий, эҳтиросли меҳнат самара беради.

Н. РАМАЗОНОВ.

ОММАНИНГ АКТИВЛИГИ, ИЖОДКОРЛИГИ— ҚАЙТА ҚУРИШ НЕГИЗИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Ишчи ҳақ. Иш ҳақида ғамхўрлик қилиш — энг муҳим вазифа. Мана, мен қандай довюракман, деб бошқаларнинг олдида чираниш учун қуруқлик қилиш керак эмас. Иш, ўзаро ҳурмат керак, бир-бирини камситмаслик, инсоний қадр-қимматни камситмаслик керак. Аммо танқиддан, ошкораликдан чекиниб бўлмайди. Нималар бўлаётганини одамлар билиши лозим. Бирон жойда тартиб бўлмаса, бирон жойда иш кўнгилдагидек юришмаётган бўлса, одамлар буни ўз вақтида пайқаб олиш имкониятига эга бўлишлари лозим. Бундай аҳволга ўз вақтида аралашиш керак. Кичикроқ хатолар бора-бора катта янглишишларга айланиб кетмаслигини ўйлаш лозим. Чунки бизнинг мамлакатимиз бепоён, хўжалигимиз — жуда катта. Ўзимиздан бошқа, халқдан бошқа ҳамма нарсани ким кўради-ю, ким билади, бунга қодир бўлган бошқа куч йўқ. Контролёрларми? Ҳеч қандай контрол ҳеч қачон халқнинг ўрнини боса олмайди. Рўй-рост, очиқ кўнгилли, ҳалол муҳит бўлиши керак. Кимдир кимнингдир хатосини айтса: ҳа. сенга ҳаммадан кўпроқ керакми, деб айтадиган бўлмасин. Йўқ. Ўртоқлар, ҳамма ва ҳар бир киши ишга кўз-қулоқ бўлиб туриши керак. Агар бирон-бир кимса ўзининг камтар эмаслигини намойиш этиб, қандайдир даъволар қиладиган бўлса, уни жойига ўтқазиб қўйиш керак. Агар инсон иш ҳақида гапирса, ҳаяжонланса, баъзан ҳатто кўполроқ гапирсачи? Бирон бир киши хато қилишини ёки ноўрин сўз ишлатиб қолишини пойлаб туриб ўша сўзга ёпишиб оладиганлар ва ҳалиги киши нима ҳақда гапирганини эсдан чиқариб қўядиганлар бўлади-ку, ахир. Ҳолбуки — у жон куйдириб гапираётган эди, агар кўполроқ гапирган бўлса иш манфаатини кўзлаб гапирган эди-ку, ахир.

Агар инсон иш ҳақида. умумий иш ҳақида жон куйдирса, иш яхшироқ бўлишини, камчиликлар йиғилиб қолмаслигини хоҳлаётган бўлса, бу — бутунлай бошқа гап. Бизга худди шунақаси керак: социал соҳада — меҳнат коллективида ҳам, умуман мамлакатда ҳам барча киши ўзини яхши ҳис қилиши лозим. Бирон нарса равшан бўлмаса — аниқлаш, бирон нарсага қўшилмаса — масалани ўртага қўйиши керак. Муҳокама қилсинлар. Демократия — мана шунақанги иш: сен гапирасан, бошқалар эса сенинг фикрнинг қанчалар тўғрилигини, гапинг қанчалар тўғрилигини муҳокама қиладилар. Коллектив бўлиб фикрлашиб, ҳал этилаверади, ҳал этилгандан кейин қонун бўлиб қолади. Аммо коллективга бош бўлган киши ҳамма нарсани билаверади-ю, қолганлар гўё ҳеч нарсани билмайди, деб ҳисоблаб бўлмайдику, ахир. Бундай бўлиши мумкин эмас. Биз жуда катта. мураккаб вазифаларни ҳал этяпмиз, бизга ҳамманинг — ишчининг ҳам, деҳқоннинг ҳам, зиёлининг ҳам, ветераннинг ҳам, йигит ва қизнинг ҳам тажрибаси керак.

Ёшларнинг ҳам фикрига қулоқ солиш керак. Биз ҳам уларга баъзан насиҳат қилишни севамиз-ку. Бундай насиҳатлар уларнинг кўнглига тегади. Шунда улар: бизнинг фикримизни бирон марта эшитдингизми, деб сўрашга ҳақлидирлар. Бу муҳитни ўзгартириш керак. Янгича муҳит экономикага, коллективдаги кайфиятга, феълатворга, вазиятга ҳам наф келтиради.

Социализмнинг ўзи нима? Меҳнаткашлар учун хизмат қиладиган тузум. Меҳнаткаш инсон бу жамиятда ўзини яхши ҳис қиладиган бўлиши керак. Сизлар буни яхши тушунасизлар ва табриклайсизлар, деб умид қиламан. Буни билиш менга жуда муҳимдир.

Овоз: Йўналиш тўғри танлаб олинган. бундан буён ҳам шундай ҳаракат қилиш лозим.

М. С. Горбачев: Мададкорлик учун раҳмат.

Овозлар: Мададкормиз, дадил умид қилаверинг. Биз, ветеранларгина эмас, барча фарзандларимиз ҳам партия ишидаги ҳозирги йўналиш тарафдоридирлар.

М. С. Горбачев: Мен буни Сиёсий бюродаги, Марказий Комитетдаги, ҳукуматдаги ўртоқларга айтаман. Сизларнинг сўзларингиз бизнинг ҳаммамиз учун — жуда катта мадад, ўртоқлар. Мададкорлик тўғрисидаги гаплар мавжуд проблемалар, қийинчиликларни сиз билан биз англаб олишимиз учун бўлган масъулиятни соқит қилмайди. Бироқ эндиликда шу қийинчиликлар билан қандай курашиш. нима қилиш кераклиги тўғрисида тушунча ҳам борлиги энг муҳимидир.

Биз аҳволни таҳлил этиш, танқид қилиш билангина чекланиб қолмадик, шу билан бирга қайси ишни қандай қилиш кераклигини таклиф ҳам этдик. Бу — жуда муҳимдир. Бу соҳада энг мураккаб давр бошланди — тезликни ошириш, бутун механизмни созлаш керак. Бу — унчалик осон иш эмас. Одатдаги услубдан ҳаммамизни воз кечтириш жуда қийин. Ҳар бир инсон буни тушунади. Бутун жамиятни қайта қуриш керак, ахир. Бу нақадар катта иш эканини тасаввур этасизми! Ҳамма ўз ишини қайта қурган тақдирдагина бунга эришиш мумкин. Юқорининг ўзидангина қайта қуриб бўлмайди. Муаллақ қолмай, балки халққа тушунарли ва реалликларга мос бўлиб тушадиган сиёсатни юқоридан таклиф қилиш мумкин. Энди бундай сиёсат бор. У қўллаб-қувватланди.

Ҳунар-техника билим юртлари ва ўрта мактабларнинг ўқувчиларига мурожаат этиб, **М. С. Горбачев** бундай савол берди:

— Ёшлар ўзларини қандай ҳис қилмоқдалар? Улар мамлакатда рўй бераётган қайта қуришга қандай қарамоқдалар?

Овозлар: Қўшиламиз, чин комсомоллик сўзимиз?

Павел Смилтниек, 79-мактаб 10-синф ўқувчиси:

— Михаил Сергеевич, жадаллаштиришга мактаб ўқувчилари қандай конкрет ҳисса қўшишлари мумкин?

М. С. Горбачев: Мактабни аъло тамомлаш билан ҳисса қўшишлари мумкин. Гуманитар фанларни ҳам, техникавий билимларни ҳам яхши ўзлаштириб олиш керак. Ҳозир ҳар қандай тармоқда очилаётган ҳамма янгиликлар яхши тайёргарликни талаб қилади. Меҳнат механизациялаштирилади, автоматлаштирилади. Шуни айтишим керакки, ёшлар буни дарҳол илиб оладилар, кекса авлодга қийинроқ бўлади. Баъзи инженерлар бошқа ишга ўтмоқдалар, янги кучларнинг оқиб келиши лозим. Ёшлик чоғданоқ ҳаётга муайян ва қатъий эътиқод билан қадам қўймоқ керак. Мен сизлардан кейинги вақтларда айтилаётган гапларимизнинг мағзини чақишни илтимос қилмоқчиман. Сизлар очиқ кўнгил, тўғри, ҳалол бўлишларингизни истаймиз. Мактабда кўпроқ мустақиллик кўрсатиш. пайпаслайдиганлар бўлмаслиги керак. Комсомол, ўқувчилар комитетлари кўпдан кўп масалаларни ҳал этишни фаолроқ ўз зиммаларига олишлари лозим. Сизларнинг ишларингиз кўп. Микрорайондаги ишларга қарашиш ҳам, заводга, ёшлар қурилишига ёрдам бериш ҳам сизларнинг вазифангиздир.

Кечқурун М. С. Горбачев Латвия ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида бўлди.

Кўргазмалар билан танишув вақтида айниқса машинасозлик ва енгил саноатда маҳсулот сифатини жуда яқин вақт ичида кескин ошириш зарурлигига асосий эътибор қаратилди. Юксак самарадорлик келтирмайдиган, тез-тез ишдан чиқиб турадиган станок ва машиналар бизга керак эмас.

Одамларга, харидорларга чиройли, кишига қувонч бахш этадиган моллар керак. Ички бозорни мана шундай моллар билан тезроқ мўл-кўл таъминлаш лозим. Тақчилликка қарши активроқ курашиш керак.

Бунинг учун Латвия меҳнатчиларининг имкониятлари бор, деди сўзини давом эттириб М. С. Горбачев. Тажриба ҳам, ўртага қўйилган мақсадга эришиш истаги ҳам бор. Давлат қабулининг фаолияти ҳозир мана шунга қаратилган. Бу —яхши ёрдам. Ўртоқлар, эндиги иш сизларга — сизларнинг иродангиз, ғайрат-ҳаракатингизга, ҳар бир иш жойида кечагидан яхшироқ меҳнат қилишга тайёрлигингизга боғлиқ. Мана шунинг ўзи амалдаги қайта қуришдир, мана шунинг ўзи КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорларига конкрет жавоб бўлади.

А. БЕЛИКОВ,
В. ГРИШЧЕНКО,
Н. ЖЕЛЕЗНОВ,
ТАСС махсус мухбирлари.

СССР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИНИНГ МАТБУОТ МАРКАЗИДА

СССР Ташқи ишлар министрлигининг матбуот марказида 17 февраль куни ўтказилган брифингда совет ва чет эл журналистларининг диққат-эътибори, жумладан, АҚШ давлат секретари Ж. Шульцнинг 12 февраль куни янги Орлеанда Америка юристлари уюшмасида сўзлаган «Никарагуа: гаровга қўйилган ахлоқий ва стратегик омиллар» мавзуидаги нутқига қаратилди. Бизнинг фикримизча, деди СССР Ташқи ишлар министрлигининг вакили бу нутқни шарҳлар экан, бу нутқ «совуқ уруш» давридаги сийқаси чиққан иборалардан иборатдир ва ундан АҚШнинг жаҳонгирлик даъволари сезилиб турибди.

Журналистларга АХДП ва АДР ҳукуматининг миллий яраш программасини амалга ошириш хусусида ахборот берилди. Мамлакатнинг ўзидаги афғон сиёсий кучлари билан ҳам, хориждаги афғон сиёсий кучлари билан ҳам амалий мулоқот учун шарт-шароит вужудга келтирилганлиги таъкидлаб ўтилди. Ўтган бир ой шуни кўрсатдики, афғон контрреволюциясининг ниҳоятда агрессив қисми қуролли хатти-ҳаракатларни давом эттираётганлигига қарамай, миллий яраш программаси куч-қувватга тўлиб бормоқда.

Афғонистон заминида тинчлик ва осойишталикка олиб келадиган ижобий жараёнларга Афғонистон атрофидаги вазиятнинг бартараф этилишидан манфаатдор бўлмаган ғарб доиралари қандай муносабатда бўлмоқдалар? Босмачиларнинг «муваффақиятлари» тўрт томонга жар солиб мақталмоқда. Уларга шошилинч тарзда қўшимча «Стингер», «Блоупайп» типидаги ракеталар юборилмоқда.

Афғонистоннинг Хост шаҳри районида транспорт самолёти уриб туширилиши оқибатида аёллар, қариялар ва болалар ҳалок бўлган эди, шу фалокатдан кейин, 11 февраль кунией Буюк Британия ташқи ишлар министрининг парламентдаги ўринбосари Т. Эггар Лондонда аксилинқилобчи гуруҳлардан бирининг ниҳоятда қонхўр раҳбари бўлган Юнус Холисни қабул қилди ҳамда Англияда «мужоҳиддин»ларнинг ҳаракатларига тасанно айтмоқдалар» деди. Бунга жавобан Холис кўнглидаги гапни рўй-рост айтиб қўя қолди: «Совет қўшинлари Афғонистондан чиқиб кетишлари биланоқ, биз бу юртни қонига ташна қиламиз, кимки дини исломга қайтса. ўша тирик қолади».

Бунга изоҳнинг ҳожати йўқ.

Америка Қўшма Штатлари ракетадан мудофаа шартномасини жуда кенг кўламда тавсифлаётганликлари хусусида савол берилди. Жавобда ана шундай тавсифлашнинг юридик жиҳатдан тутуриқсизлиги таъкидлаб ўтилди. АҚШ халқ мақолида айтилганидек, «туя кўрдингми, йўқ» қабилида иш тутиб, шартномани четлаб ўтишга уринмоқда.

СССР билан ГФР ўртасида муносабатларни яхшилаш мумкинми, деган саволга жавоб бериб, СССР Ташқи ишлар мичистрлигининг вакили бу муносабатлар Совет томонининг айби билан ёмонлашгани йўқ, деди. Шу боисдан ҳам муносабатларни яхшилаш йўлида биринчи қадам Ғарбий Германия томонидан қўйилиши керак.

Журналистларнинг бошқа саволларига ҳам жавоблар қайтарилди.

(ТАСС).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ МАЖЛИСИ

17 февраль куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. А. Громико раислигида СССР Олий Совети Президумининг мажлиси бўлди.

Мажлис қатнашчилари қайта қуриш ва партиянинг кадрлар сиёсати ҳаётий масалаларини кенг социал-сиёсий миқёсда кўриб чиққан КПСС Марказий Комитети 1987 йил январь Пленуми иши якунларидан чуқур мамнуният изҳор этдилар. КПСС XXVII съездида ишлаб чиқилган стратегик йўлни давом эттириб ва ривожлантириб, Марказий Комитет Пленуми партия, мамлакат ва бутун жамиятни қайта қуриш йўлидан олға силжитди, ишнинг янги босқичи — актив амалий ҳаракатлар, барча меҳнаткашларни ана шу жараёнга кенг жалб этиш босқичини белгилади.

КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорлари барча босқичлардаги халқ депутатлари Советлари учун жуда катта аҳамиятга эгадир. Мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш, жамият ҳаёти барча жабҳаларини янада демократлаштириш. халқ ўз-ўзини социалистик бошқаришини чуқурлаштириш, ошкораликни кенгайтириш юзасидан партия илгари сурган кечиктириб бўлмайдиган вазифалар халқ ҳокимияти органлари фаолиятини анча яхшилашни талаб этади. Улар Советларни кишиларнинг ташаббускорлиги ва ижодкорлигини ҳар томонлама ривожлантиришга ундайди, улар зиммасига ишни актив, омма кўз ўнгида. унинг бевосита иштирокида олиб боришни юклайди. Ҳозир асосий вазифа Советлар фаолиятига теран, чинакам демократик мазмун бахш этишдан, улар хўжалик ва социал, маданий қурилишнинг ҳамма жиҳатларига реал таъсир кўрсатишларига эришишга ҳаракат қилишдан, ўз ишининг услуб ва методларини қунт билан такомиллаштиришдан иборатдир.

Шундан кейин Президиум КПСС XXVII съезди талаблари асосида Тожикистон ССР халқ депутатлари Советларининг ишлаб чиқаришни кенгайтириш, озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини ошириш ва аҳолини бу маҳсулотлар билан таъминлашни яхшилаш юзасидан маҳаллий имкониятлардан қандай фойдаланаётганликлари тўғрисидаги масалани муҳокама қилди. Тожикистон ССР Министрлар Советининг Раиси И. Ҳаёев доклад қилди. Жойлардаги иш аҳволини ўрганган депутатлар номидан КПСС Қорачой-Черкес область комитетининг биринчи секретари А. А. Инжиевский ахборот берди.

Масалани муҳокама қилишда СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари, Тожикистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Г. Паллаев. Президиум аъзоси — КПСС Бошқирдистон область комитетининг биринчи секретари М. З. Шакиров, Кировоград область Новоукраина районидаги КПСС XX съезди номли колхоз бригадири А. В. Гиталов, шунингдек СССР Давлат агросаноат комитети раисининг биринчи ўринбосари А. И. Иевлев қатнашдилар.

Муҳокама қилинган масала юзасидан қарор қабул қилинди, бу қарор матбуотда эълон қилинади.

Гражданларнинг СССР Олий Советига мурожаати тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди. Музокараларда СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари — Молдавия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. А. Мокану, Украина ССР Олий Совети Президиумининг Раиси В. С. Шевченко, Президиум аъзоси, Вязники зиғир тола техника газламаси ишлаб чиқариш бирлашмасининг тўқувчиси Р. А. Гаврилова сўзга чиқдилар.

Мажлисда гражданларнинг мурожаатлари совет халқи партия ва давлатнинг қайта қуриш йўлини қатъий қўллаб-қувватлаётганидан далолат беради. деб таъкидланди. Меҳнаткашлар мамлакат иқтисодий ва социал тараққиётини жадаллаштириш, КПСС XXVII съезди илгари сурган кучли социал сиёсатни рўёбга чиқариш, совет демократиясини чуқурлаштиришга қаратилган тадбирларни амалга ошириш учун актив курашмоқдалар. Халқ депутатлари Советлари, корхоналар, идоралар, ташкилотлар ишини яхшилашга. кадрларни яна ҳам пухтароқ танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашга оид таклифлар айтилмоқда.

Гражданлар мамлакатдаги ва чет эллардаги воқеалар хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини кенг кўламда билдириб. СССРнинг тинчликсевар сиёсатини тўла-тўкис қўллаб-қувватламоқдалар. Совет кишилари камчиликларни танқид қилиш, мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан шикоят ёзишдек Конституцияда белгилаб қўйилган ҳуқуқларидан активроқ фойдаланмоқдалар. Буларнинг ҳаммаси партиямизнинг жамият ҳаёти барча жабҳаларини янада демократлаштириш сиёсий йўлининг бевосита натижасидир.

Шу масала тўғрисида қабул қилинган қарорда гражданлар мурожаатларини кўриб чиқиш, аҳолини қабул қилишни уюштириш ишини янада яхшилашга қаратилган тадбирлар белгиланди.

СССР Олий Совети Президиуми мамлакат, давлат ҳаётининг бошқа баъзи масалаларини ҳам кўриб чиқди.

Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилишда П. Н. Демичев, Б. Н. Ельцин, Н. Н. Слюньков, Ю. Ф. Соловьев ўртоқлар иштирок этдилар.

(ТАСС).

КРЕМЛДА СУҲБАТ

17 февраль куни СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков «Ядросиз дунё учун, инсоният омон қолиши учун» халқаро анжуманида қатнашган Швеция савдо-саноат доираларининг вакилларини қабул қилди.

Швециялик меҳмонлар инсониятнинг ядросиз дунёга эришиш йўлидаги ҳаракати концепциясини асослаб берган КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг нутқи анжуман қатнашчиларида жуда кучли таассурот қолдирганини ва бу нутқ янги сиёсий тафаккурни шакллантиришда амалий роль ўйнаши лозимлигини, ракета-ядро асрининг реалликлари мана шу тафаккурни тақозо этаётганини уқтириб ўтдилар.

СССР билан Швеция ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик истиқболларини муҳокама қилиш чоғида иккала томон Швеция Бош министри И. Карлссоннинг 1986 йил апрелида СССРга қилган расмий визити вақтида келишиб олинган лойиҳалар қандай амалга оширилаётганига қизиқиб қарадилар.

СССР территориясида ажнабий фирмалар иштироки билан қўшма корхоналар барпо этиш масалалари хусусида ҳам фикрлашиб олинди. Шу муносабат билан СССР Олий Совети Президиуми мазкур масала юзасидан яқинда эълон қилган Фармонининг ва СССР Министрлар Совети қарорининг катта аҳамияти таъкидланди.

Суҳбат иштирокчилари ҳозирги вақтда совет ва швед ташкилотлари ҳамда фирмалари кўриб чиқаётган лойиҳаларнинг амалга оширилиши СССР билан Швеция ўртасидаги узоқ муддатли ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш негизларини кенгайтириши мумкин, деган хулосага келдилар.

(ТАСС).

Самарқанд область Пайариқ район электр тармоқлари корхонаси коллективи Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, меҳнатда янгидан янги ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Ўзаро меҳнат беллашувида Қурақбой Тўрақулов, Орзиқул Отақулов, Толлибой Эргашев сингари азаматлар ғолиб чиқишяпти.

Суратда: илғор нурчилардан Қ. Тўрақулов, О. Отақулов, Т. Эргашевлар.

К. Турсунов фотоси.

ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

Бугун СССР билан Шри Ланка ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилган кунга 30 йил тўлади. Халқларимиз тарихида муҳим воқеа бўлган бу шонли санани Совет Иттифоқи билан Шри Ланка жамоатчилиги кенг нишонланмоқда. Совет — Шри Ланка дўстлигининг илдизлари Улуғ Октябрь социалистик революциясига, Шри Ланка халқининг миллий озодлик ҳаракати манбаларига бориб тақалади. Шри Ланканинг илғор жамоатчилиги Октябрь инқилобини табриклаган. Чунки, бизнинг революциямиз мустамлака мамлакатларидаги, жумладан, Шри Ланкадаги миллий озодлик ҳаракатини кучайтиришга кўмаклашди.

1942 йил мартида, совет халқи фашистлар Германиясига қарши олиб борган оғир кураш пайтларида «Совет Иттифоқи дўстлари» жамиятининг тузилганлиги Шри Ланка халқининг мамлакатимизга бўлган дўстона ҳис-туйғулари ва муносабатларига ёрқин мисолдир. Мазкур жамият одамларнинг ихтиёрий равишда берган жамғармалари ҳисобига «Ланка — Совет джорнал» журналини нашр этди. Унинг биринчи сонида: «Бизнинг Шри Ланкамиз Совет Иттифоқи халқлари олдида катта қарздордир. Уларнинг Москва, Ленинград, Сталинград остоналаридаги мардона қаршилик кўрсатиши бизни фашистлар ҳужумидан сақлаб қолди. — деб ёзилган эди.

1957 йил февралида дипломатик муносабатлар ўрнатилганлиги давлатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни янада ривожлантиришга қудратли омил бахш этди. Шундан кейин савдо, иқтисодий ва маданий ҳамкорлик соҳасида битим имзоланди.

Совет Иттифоқи Шри Ланкага бир қатор муҳим хўжалик объектларини бунёд этишда ёрдам берди. Ҳозир бу объектлар ёш давлат экономикасининг давлат сектори асосини ташкил қилади. СССР кўмагида Орувел металлургия заводи ва Келани шина заводи бунёд этилдики, улар ҳақли равишда Шри Ланка саноатининг қалдирғочлари деб аталди. Илгари Шри Ланка мамлакатда ишлаб чиқариладиган каучукни хом ашё сифатида ташқарига чиқариб, ундан тайёрланган буюмларни эса саноати тараққий этган мамлакатлардан оларди. Эндиликда эса мамлакатда ишлаб чиқарилаётган шиналарнинг бир қисми ҳатто экспортга жўнатилмоқда. СССР билан Шри Ланка ўртасидаги савдо икки томонлама ўзаро фойдали асосларда амалга оширилмоқда. Совет Иттифоқи Шри Ланкадан ҳаммага машҳур Цейлон чойи, натурал каучук, кокос пальмаси маҳсулотларини сотиб олмоқда. Унинг ўрнига эса дастгоҳлар, ускуналар, хом ашё, кенг истеъмол буюмлари сотмоқда.

Шри Ланка ўтказаётган қўшилмаслик сиёсати республиканинг халқаро майдондаги нуфузини мустаҳкамламоқда. Айни пайтда бу сиёсат Шри Ланка халқининг миллий манфаатларига тўла-тўкис мос келади ва шу туфайли халқ уни қўллаб-қувватламоқда. Бироқ империализмнинг агрессив доиралари, энг аввало АҚШнинг милитаристик кучлари, Шри Ланка ўтказаётган сиёсий йўлни ўзгартиришга эришишни жуда хоҳлайдилар. Пентагон АҚШ ҳарбий денгиз кучлари базаси сифатида фойдаланиш учун Шри Ланканинг Тринкомали денгиз портини ўз ихтиёрига олишга уринмоқда. АҚШ Диего-Гарсия оролидаги базасини мустаҳкамлаб, Ҳинд океани бўйича музокараларни йўққа чиқаришга уриняпти. Шри Ланканинг илғор кайфиятдаги кишилари бундай шароитларда мамлакат мустақиллигини ва тинчликсевар ташқи ҳамда ички сиёсатни сақлаб қолиш учун, мавжуд этник можароларни ташқи кучларнинг аралашувисиз ҳал этиш учун курашмоқдалар.

«СССР — Шри Ланка» дўстлик жамияти, Шри Ланка — Совет Иттифоқи дўстлиги лигаси ҳамда «СССР—Шри Ланка» дўстлик жамияти Ўзбекистон бўлими Совет ва Шри Ланка халқлари ўртасидаги алоқаларни кенгайтиришда катта роль ўйнаяптилар. Давлат йўли билан амалга оширилаётган маданий алоқаларнинг турли шаклларини ривожлантиришда бу ташкилотлар фаолияти салмоқли ўрин тутади. Ҳамкорлик планларига кўра икки мамлакат ўртасидаги делегациялар ва туристик группалар алмашилмоқда, кўргазмалар, учрашувлар, кино кўриклари, лекциялар ташкил этилмоқдаки, бу тадбирлар жамоатчиликни СССР ва Шри Ланка халқлари ҳаёти билан таништирмоқда. Чунончи, 1983 йили Шри Ланкада Ўзбекистон ССР иштирокида Совет Иттифоқи кунлари ўтказилди. Ана шу кунлар тадбирларида республика делегацияси, бадиий коллектив, лекторлар қатнашдилар. Бизнинг артистларимиз унда 10 та концерт бердилар. Концертларни 25 мингдан зиёд томошабин келиб кўрди. Республикамиз вакиллари Коломбода ва Шри Ланка — Совет Иттифоқи дўстлиги лигасининг 8 та вилоят бўлимида ўтказилган митинглар ҳамда учрашувларда иштирок этдилар.

Совет Иттифоқи билан Шри Ланка халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик тобора мустаҳкамланмоқда.

Б. ХУЖАЕВ,
Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамиятининг бўлим мудири.

СССР Олий Совети Президиумида

СССР Олий Совети Президиуми ўртоқ Евгений Иванович **Чазов**ни СССР соғлиқни сақлаш министри этиб тайинлади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ Д. С. ЁДГОРОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Партия, совет, комсомол, хўжалик органларида кўп йил самарали ишлаганлиги учун ҳамда туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Дамир Солиҳович **Ёдгоров** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси **Р. НИШОНОВ.**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари **Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.**

Тошкент шаҳри
1987 йил 17 февраль.

Область партия комитетининг пленуми

Сурхондарё область партия комитетининг 17 февраль куни бўлиб ўтган пленумида область партия комитети бюросининг КПСС XXVII съезди қарорларини бажариш соҳасидаги иши тўғрисида ҳисоботи муҳокама қилинди.

Область сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг область партия конференциясида бошқарма ва унинг бўлинмалари шанига айтилган таклифлар ва танқидий мулоҳазалар қандай амалга оширилаётганлиги тўғрисидаги ҳисоботи ҳам тингланди. (ЎзТАГ).

МУҚАДДАС ХОТИРАЛАР ҚАЛБИМИЗДА

Март ойининг сўнги якшанбасида «Хотира куни»ни ўтказиш республикамизда анъана бўлиб қолди. Бу тадбир вафот этган ёки ҳалок бўлган ота-оналаримиз, қариндош-уруғларимиз, Ватанимиз озодлиги ва мустақиллиги йўлида катта жасорат кўрсатган, экономика, илм-фан, маданиятнинг ривожида ўз меҳнати билан салмоқли ҳисса қўшган кишилар хотирасини авайлаб сақлашга қаратилган.

Янги оилавий урф-одатларни жорий этиш, турмуш маданияти, истиқомат жойларидаги ишлар билан шуғулланувчи республика комиссиясининг 17 февраль куни Тошкентда бўлиб ўтган мажлисида республикада «Хотира куни»га тайёргарлик ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Мажлисни комиссия раиси, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раисининг ўринбосари С. У. Султонова олиб борди.

Сўзга чиққан кишилар 29 мартда «Хотира куни»ни юксак ғоявий-сиёсий даражада ўтказиш зарурлигини таъкидладилар. Меҳнат коллективларида Ўзбекистонда Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш учун кураш қатнашчилари, Ватан ҳимоячилари, Меҳнат қаҳрамонлари шарафига «Хотира вахтаси»ни уюштириш муҳимдир.

Комиссия мажлисида таъкидлаб ўтилганидек, область, шаҳар, район ташкилот комитетлари, маҳаллий Советлар аҳолининг фаол иштирокида қаҳрамонлик — ватанпарварлик ёдгорликларини, мемориал комплексларни, қабристонларни ва унга ёндош территорияларни ободонлаштиришни уюштиришлари керак. Кўчаларга номлари қўйилган кишилар ҳақидаги маълумотлар махсус ёдгорлик лавҳаларида ўз аксини топиши ҳақида қайғуриш лозим.

Тегишли ташкилотлар. министрликлар ва идораларга республикада «Хотира куни»га тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан белгиланган тадбирлар сўзсиз бажарилишига эришиш тавсия этилди. (ЎзТАГ).

ХАЛҚ КОНТРОЛИ САҲИФАСИ

1987 ЙИЛ, ФЕВРАЛЬ № 2 (286)

Халқ назорати ва қайта қуриш

●

Қишнинг бир куни ҳам қиш

●

Нега сифат бузиляпти?

●

Беparволик ва унинг оқибатлари

●

Брак маҳсулотга ким жавоб беради?

●

Интизом бўлмаган жойда

● Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетида

МАҲСУЛОТ СИФАТИГА НОТЎҒРИ МУНОСАБАТ

Республика Халқ контроли комитети «Ташсельмаш», «Чирчиксельмаш» ва «Ташхимсельмаш» заводларида маҳсулотнинг техник даражасини ошириш ва сифатини бошқаришнинг тармоқ системасини жорий этиш қандай бораётганлигини текширди ва муҳокама қилди. Ушбу корхоналарда маҳсулот сифатини тубдан яхшилаш учун иш ҳали КПСС XXVII съезди талаблари даражасида ташкил этилмаган. Пахтачилик соҳаси учун тайёрланаётган машиналар баъзан стандарт ва техник шартларга жавоб бермаётир, жуда кўп ишлаб чиқариш нуқсонларига эга. Техника контроли бўлимлари маҳсулот сифати устидан етарли назорат ўрнатмаганлар.

«Ташсельмаш» заводи (директори Х. Х. Ғуломов, бош инженери В. Д. Карлов) ҳисоботларида маҳсулот сифатини бошқаришнинг комплекс системаси бўйича 61 стандарт жорий қилингани қайд этилган. Бироқ танлаб ўтказилган текширишларда техник интизомга риоя этиш, ускуналарнинг техник аниқлигини текшириш, маҳсулот тайёрлаш назоратини тўла қамраб олиш бўйича стандартлар бажарилмаётир.

Завод ишлаб чиққан тадбирлар ҳам маҳсулот сифатини оширишга таъсир кўрсатмаяпти. Кейинги уч йил мобайнида ишлаб чиқилган 77 та ташкилий-техникавий тадбирларнинг 54 таси ёки 70 проценти бажарилмаётир. Пахта териш машиналарининг шпиндель, шестерня, кўндаланг брус, валлари танлаб текшириб кўрилганда 20 процент деталларда норматив-техника ҳужжатларидан четга чиқилгани маълум бўлди. ОТК қабул қилиб олган машиналардан жуда кўп нуқсонлар топилди. Шу сабабли СССР Госкомсельхозтехникаси қабул қилувчилари жами машиналарнинг 7 процентини қайта созлаш учун қайтардилар.

«Чирчиксельмаш» заводида (директори В. А. Беляев, бош инженери Э. А. Генрих) ҳам ана шундай жиддий камчиликлар рўй беряпти. Текшириш жараёнида маҳсулот сифатини бошқариш комплекс системаси бўйича жорий этилган тўртта стандартнинг биронтаси ҳам бажарилмаётгани маълум бўлиб қолди. Истеъмолчиларга жўнатиш учун тайёрлаб қўйилган КХУ—4 культиваторларидан 50 таси кўздан кечирилганда жуда кўп нуқсонлари борлиги аниқланди. Анчагина деталлар техник ҳужжатлар талабларига мос келмаётир.

Ишлаб чиқариш нотўғри ташкил этилгани сабабли маҳсулотларнинг ярми ойнинг учинчи ўн кунлигида тайёрланмоқда. Цех ва участкалар зарур асбоб-ускуналар билан таъминланмаяпти. Технологик ҳужжатлар ўз вақтида ишлаб чиқаришга етказиб берилмаётир. Иш ўринларида чертёжлар йўқ. Биринчи тақдимдаёқ маҳсулотни ҳисобга олиб бориш (гарчи кейинги икки йилда бу иш учун 317 минг сўм мукофот пули тўланган бўлса-да) бажарилмаяпти. СССР Госагропроми қабул қилувчиси ва СССР Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги министрлигига қарашли идоравий назорат группаси тақдим этилган маҳсулотнинг 20 процентини қайта ишлаш учун заводга қайтарди. Кейинги уч йилда корхона брак маҳсулот етказиб бергани сабабли 363 минг сўмлик зарар кўрди ва 139 минг сўмлик жарима тўлади. Шу давр ичида «Ташсельмаш» заводига 255 минг сўмлик брак қуюлма жўнатди. Сифатнинг бузилиш сабаблари ўрганилмаяпти, айбдор шахсларга нисбатан моддий чора кўрилмаётир.

«Ташхимсельмаш» заводи раҳбарлари (директор вазифасини бажарувчи М. М. Восиқов, бош инженер вазифасини бажарувчи Я. М. Бриксман) назоратни бўшаштириб юборгани сабабли маҳсулот сифатини яхшилаш юзасидан ишлаб чиқилган тадбирлар мунтазам бажарилмай келяпти. Машиналар, уларнинг эҳтиёт қисмлари ва халқ истеъмоли молларини тайёрлашда ГОСТ талаблари ҳамда техник шартлардан четга чиқиш давом этмоқда. Ана шу сабабли кейинги 3 йил ичида 391 та валькоукладчик, 44 та чанглатгич машиналар ҳисоботлардан чегириб ташланди. Корхона даромадидан 37 минг сўм бекор қилинди.

Халқ назоратчилари танлаб текшириб кўрганларида истеъмолчиларга жўнатиш учун тайёрлаб қўйилган 16 та ОВХ-28 машинасидан 10 таси мутлақо ишга яроқсиз эканлиги маълум бўлиб қолди. 11 та текширилган деталдан 4 таси норматив-техника ҳужжатларига хилоф тарзда тайёрланган бўлиб чиқди.

Корхонада штурмчиликка зўр беріляпти. Маҳсулотнинг 70 проценти ойнинг учинчи ўн кунлигида тайёрланмоқда. Техника контроли бўлими иши яхши уюштирилмаган. Ходимларнинг малакаси паст. Кейинги уч йилда завод брак маҳсулотлардан 65 минг сўмлик зарар кўрди.

«Главмашхлопководство» ўз қарамоғидаги корхоналарда маҳсулот сифати бузилаётганлигини таҳлил қилиб бормаяпти. Камчиликларни тугатишнинг таъсирчан чораларини кўрмаётир. Давлат интизомини бузиш, пул маблағлари ва моддий ресурслардан фойдаланишда содир бўлаётган хўжасизлик ва исрофгарчилик ҳолларига билан муроса қилиб келмоқда.

Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети давлат интизоми бузилишига, сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқаришга йўл қўяётгани учун ҳар учала корхона раҳбарларига нисбатан жиддий чоралар кўрди ва пул начети белгилади. Уларга зудлик билан маҳсулот сифатини яхшилаш юзасидан тегишли тадбирлар белгилашни топширди.

НАВОИЙ ОБЛАСТИ. Навбаҳор районидаги Свердлов номли колхозда чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш учун конкрет тадбирлар белгилаб олинган.

Чорва моллари учун мустаҳкам озуқа базаси яратилган. Хўжаликда тўпланган озуқани нест-нобуд қилмай сарфлашга алоҳида эътибор берилаётир.

СУРАТДА: халқ контроли группаси аъзоси. молбоқар Ж. Назаров, группа бошлиғи Т. Темиров ва ферма мудири А. Тўраевлар ДКУ аппаратида майдаланган хашак сифатини кўздан кечиришмоқда.

Э. Раҳимов фотоси.

ФОЙДА ЎРНИГА ЗАРАР

Қарши район хўжаликларида арзон ва сифатли чорва маҳсулотлари етиштириш юзасидан белгиланган план-топшириқлар мунтазам бажарилмай келмоқда. Етиштирилган маҳсулотларнинг таннархи пландагига нисбатан 1,5—2 баравар қимматга тушаётир. Масалан, «Ленин йўли», «Москва» совхозларида бир центнер гўшт етиштириш 228 ва 272 сўм ўрнига 636 ва 541 сўмдан-га тўғри келяпти. Тухум, сут ва жун етиштиришда ҳам жиддий нуқсонларга йўл қўйилмоқда. Чорва маҳсулотлари етиштириш, айниқса, «Қарши» совхозида ачинарли аҳволда. Бу ерда бир центнер гўшт 240 сўм ўрнига 860 сўмга тушмоқда. Бундай аҳволни районнинг С. Раҳимов номли, «Ленинизм», Энгельс номли, «Партия XXII съезди» совхозларида ҳам кўриш мумкин. Бунинг оқибатида район хўжаликлари чорвачиликдан фойда ўрнига фақат иқтисодий зарар кўришмоқда. Ўтган йили «Ленин йўли» ва «Москва» совхозлари гўшт етиштириш бўйича 310 ва 410 минг сўмдан зарар кўришди.

А. ВАҲОБОВ.

ХЎЖАСИЗЛИК ОҚИБАТИ

Жиззах области хўжаликларида чорва қишловида жиддий нуқсонларга йўл қўйиляпти

Қиш чилласи чиқди. Аммо ҳали олдинда қаттиқ совуқлар турибди. Халқимиз қишнинг бир куни ҳам қиш деб бежиз айтмаган. Ана шундай кунларда вақтида етарли озуқа жамғариб, ферма биноларини яхшилаб ремонт қилиб қўйган чорвадор ютади. Бироқ куз фаслида қишловга қўл учида тайёргарлик кўриб, уни амал-тақал қилиб ўтказаётган хўжаликларда ҳозирданоқ қаттиқ қийинчилик сезилиб қоляпти. Бунга Жиззах областидаги Ғаллаорол, Жиззах, Зарбдор ва Фориш районлари чорвадорларининг иши мисол бўла олади. Бу ерда куз фаслида етарли озуқа жамғарилмаган эди.

Зомин районидаги «Қизил чорвадор», «Ленинград», «Зомин», Пахтакор районидаги Ульянов номли, «Оқбулоқ», «Пахтакор» совхозларида ҳар бош қорамол ҳисобига 6,7—8,4 центнердан озуқа бирлиги жамғарилгани сабабли қиш тугамасданоқ хашак ва силоснинг таги кўриниб қолди. Бунинг устига яхши сақланмагани учун озуқанинг сифати бузилмоқда. Халқ назоратчилари текшириш пайтида Зомин районидаги «Ленинград», Пахтакор районидаги Акмал Икромов номли, Зарбдор районидаги «Ленин йўли» совхозларида турли хил озуқаларнинг 400 тоннаси чиритиб қўйилганлигини аниқладилар.

Чорвачиликни механизациялаштириш кун тартибида турган муҳим вазифалардан бири. Бироқ Жиззах областида бу соҳада жиддий нуқсонларга йўл қўйилмоқда. Масалан, Бахмал, Жиззах, Зомин ва Пахтакор районлари хўжаликларида мингминг сўмлаб маблағ сарфлаб қурилган 11 та озуқа цехи арзимас сабаблар билан ишлатилмаётир. Натижада мол боқувчилар дағал хашакни қўлда майдалашга мажбур бўлмоқдалар. АЗМ-08 маркали 62 та агрегатдан 17 таси ишлатилмаяпти. Пахтакор районидаги совхозларда ана шундай ускуналардан олтитаси бекор турибди. Гарчи халқ контроли группалари ўтказган текширишда ана шу нуқсонлар аниқланган ва қўл меҳнатини енгиллатиш тадбирлари белгиланган бўлса-да, хўжаликларнинг мутахассислари бекор турган машиналарни ишга туширишга ҳамон бефарқ қараб келмоқдалар.

Сигирнинг сути тилида деган гап бор. Соғин сигирлар қанчалик яхши боқилса, улардан шунчалик кўп сут соғиб олиш мумкин. Аммо Жиззах ва Ғаллаорол районларидаги совхозларда ўтган йилнинг декабрь ойида ҳар бош соғин сигирдан соғиб олинаётган сут 12—22 килограмм камайиб кетган эди. Бундай аҳвол ҳозир ҳам давом этмоқда.

Зарбдор районидаги совхозларда ҳар бош сигирдан атиги 5 килограммдангина сут соғиб олинмоқда. Халқ назоратчилари бунинг сабабларини ўргандилар. Деярли барча чорвачилик фермаларида озуқа рационига эътибор берилмаётгани, хашак ва силос ўлчанмай тарқатилаётгани аниқланди. Гарчи ҳисоботларда ҳар бош бузоққа белгиланганидан 1,5 баравар кўп сут ичирилаётгани қайд этилган бўлсада, бузоқларнинг 40 процентдан кўпроғи жуда ҳам озиб кетган.

Молларни парвариш қилиш ёмон аҳволга тушиб қолгани гўшт тайёрлаш планларига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Масалан, областдаги 97 та хўжаликдан 57 таси ўтган йили гўшт тайёрлаш планларини бажара олмади. Улар давлатдан 4 минг тонна гўшт қарздор бўлиб қолдилар. Шунингдек, 17 та колхоз ва совхоз сут топшириш, 34 та хўжалик тухум сотиш топшириқларини уддалай олмади.

«Джизакцелинхлопок» тресги директорининг чорвачилик бўйича ўринбосари М. Урдушов чорва қишлови билан деярли шуғулланмай қўйди. У чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш планларининг бажарилишини назорат қилиб бормаяпти. Ана шу сабабли трестга қарашли кўп хўжаликларда юқорида айтилган нуқсонлар содир бўлмоқда. Бешта совхозда 1,3 минг бош қорамол очиқ ҳавода сақланаётир. Гарчи 3 та хўжаликда 350 бош қорамол озиб-тўзиб кетган бўлса-да, уларни ажратиб алоҳида боқиш ҳеч кимнинг эсига келмаяпти. «Зарбдор» ва «Прогресс» совхозларида чорва қишлови ўз ҳолига ташлаб қўйилгани трест раҳбарларини сира ташвишга солмаётир.

Жиззах область агросаноат бирлашмаси ва «Джизакцелинхлопок» трести раҳбарлари хўжаликларда бу соҳада рўй бераётган нуқсонларга зудлик билан барҳам бериш учун зарур тадбирлар белгилашлари керак.

Н. КАН,
Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети инспектори.

● Саҳифа почтасидан

МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК ҚАЧОНГАЧА?

Қўнғирот район халқ контроли комитетига хат тушди. Унда район пахта заводида (директори М. Утепов) 1986 йилда етиштирилган пахта ҳосилини сақлаш ва қайта ишлашда айрим нуқсонларга йўл қўйилаётгани хабар қилинганди. Текшириш пайтида бу ерда аҳвол ачинарли эканлиги маълум бўлди. Завод территорияси ифлос. Бунтлар атрофида пахталар сочилиб ётибди. Фақат иккита бунт атрофида 170 сўмликдан зиёд пахта ёғин-сочин остида брак ҳолга келиб қолган.

Район халқ контроли комитети ўз вазифасига совуққонлик билан муносабатда бўлаётгани учун завод тайёр маҳсулот ва хом ашё бўлими бошлиғи М. Бисеновга бир ойлик маоши ҳажмида пул начети солди. Директор М. Утеповга эса камчиликлари кўрсатиб ўтилди.

САМАРАСИЗ ФАОЛИЯТ

Ленин йўли районидаги 1- ва 2-ўқув-ишлаб чиқариш комбинатлари директорлари (Мусурмонов ва Ҳолиқов) ўз вазифасини етарли бажармаяптилар. Хўжалик ва ташкилотлар билан ўзаро шартнома алоқалари тузилмаган. Ўқув хоналари керакли анжомлар билан жиҳозланмаган. Энг ачинарлиси, 1985—1986 ўқув йили давомида ҳар иккала комбинатнинг алоқа бўлимини битирган 130 нафар тингловчининг бирортаси ҳам ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашмаган. Яқинда район халқ контроли комитети ҳар иккала ўқув-ишлаб чиқариш комбинати директорларига виговор эълон қилди.

В. ШТАПОВ.

● Группалар фаолиятидан

ПИРОВАРД НАТИЖА УЧУН

Райондаги кўпчилик халқ контроли группаларида ишни қайта қуришга алоҳида аҳамият беріляпти. Жданов номли, «Октябрь 40 йиллиги» колхозлари, 1-автотранспорт корхонаси, «Аму — Занг», «Зангстрой» кўчма механизациялашган колонналар, район марказий касалхонаси, «Жайронхона» шифохонаси каби меҳнат коллективларидаги халқ контроли группа ва постларида бу борада, айниқса диққатга сазовор ишлар қилинмоқда. Уларда ўтказилаётган текшириш ва рейдларнинг натижалари ошкора муҳокама қилиниб, йўл қўйилган нуқсон ва камчиликларнинг олдини олиш учун конкрет чоратадбирлари белгиланмоқда. Бир сўз билан айтганда, пировард натижа учун қатъий кураш олиб борилаётир.

Район халқ контроли комитети ўз фаолиятида жамоатчиликка суянган ҳолда иш кўряпти. Ўтган йили район корхона ва ташкилотларида, қишлоқ хўжалик коллективларида 50 та текшириш ва рейд ўтказилди. 44 та текшириш натижаси район халқ контроли комитети мажлисида батафсил муҳокама қилинди. Халқ мулкини талон-торож қилишга, молиявий интизомнинг бузилишига йўл қўйган 127 нафар раҳбар ва мутасадди шахсга нисбатан тегишли чоралар қўлланилди. 65 нафар кишидан давлатга етказилган зарарнинг қарийб 16 минг сўми ундириб олинди.

Саноат корхоналарида ўтказилган қатор текширишларнинг самараси ҳам кўнгилдагидек бўлди. Давлат планларининг бажарилиши, қўшиб ёзиш ҳолларига қарши курашда группа ва постлар аниқлаган камчилик ва нуқсонларнинг бартараф этилиши муҳим роль ўйнамоқда.

Ўз ишига лоқайдлик билан қараган, сифатсиз маҳсулотлар ишлаб чиқарилишига йўл қўйган ремонт-механика заводининг собиқ директори Ҳ. Шоймонов, бош инженери М. Шарипов комитет йиғилишида жиддий муҳокама қилиниб, қаттиқ ҳайфсан берилди. Уларга пул начёти солинди. Шунингдек, ўрмон хўжалиги бош бухгалтери А. Раҳимқулов, бош ўрмончи С. Раҳимовларга ҳам ана шундай чоралар кўрилди.

Аҳолига савдо хизмати кўрсатишнинг аҳволи ҳам назоратчиларнинг доимий диққат марказидадир. Бу соҳада товарларни сақлаш, молиявий ҳисоб-китоб ишларини бузганлиги учун «Зангстрой» ишчилар таъминоти бўлими бошлиғининг ўринбосари М. Шомуродов ва бош бухгалтер Н. Бўриевга нисбатан ҳам жиддий чоралар кўрилди. «Сурханстрой» ишчилар таъминоти бўлимининг бошлиғи А. Имомов, бош бухгалтер А. Норқобиловларга қаттиқ виговор эълон қилиниб, 945 сўм ундириб олишга қарор қилинди. Район матлубот жамияти правлениеси раисининг ўринбосари М. Норқўчқоров, умумий овқатланиш корхонаси директори А. Келдиевлар ҳам ўз ишларига масъулиятсизлик билан қараганликлари учун комитет йиғилишида жиддий муҳокама қилиндилар. Бош бухгалтер Ж. Тиркашев эса вазифасидан четлаштирилди.

Ер — бебаҳо бойлик. Ундан омилкорлик билан фойдаланиш керак. Лекин райондаги бир қатор хўжаликларда бунга етарли эътибор берилмади. Жданов номли, «Намуна», Ленин номли колхозларда ерни талон-торож қилишга йўл қўйилган, хўжаликларнинг қарийб 150 гектар ери турли хил шахслар томонидан қонунсиз равишда ўзлаштирилган. Бу масала комитет йиғилишида жиддий муҳокама қилинди ва район партия комитети бюросига ҳавола этилди. Бюро мажлисида эса хўжалик раҳбарлари, партия комитети секретарлари ва қишлоқ Советлари ижрокоми раисларига назоратни кучайтириш, ортиқча ерларни қайтариб олиш топширилди. Бу ишимиз ўз самарасини бермоқда.

Қурилиш ташкилотларида ўтказилган текширишларда шу нарсалар равшан бўлдики, раҳбар ва жавобгар шахсларнинг эътиборсизлиги туфайли 92 минг сўмлик цемент, ёғоч каби қурилиш материаллари ўзлаштирилган. Чала объектлар сони кўпайиб кетган, иш сифатига етарли эътибор берилмаган. Планларни бажаришда эса қўшиб ёзиш ҳоллари тез-тез такрорланиб турган. Комитет мажлисида ўз ишига ўта масъулиятсизлик билан қараган жавобгар шахсга нисбатан қаттиқ чора қўллашга тўғри келди. Термиз колхозлараро кўчма механизациялашган колонна бошлиғи Н. Тўраназаров, 18-колхозлараро кўчма механизациялашган колонна бош инженери Р. Насриддиновларга қаттиқ виговор эълон қилинди ва улардан келтирилган зарар ундириб олинадиган бўлди.

Район халқ контроли комитети меҳнаткашлар томонидан тушган ариза, шикоят ва сигналларни текширишга ҳам жиддий аҳамият берди. Ўтган йили район меҳнаткашларидан комитетга ёзма ва оғзаки равишда 86 та шикоят тушди. Уларнинг ҳар бири обдон ўрганилди. Текшириш натижалари комитет мажлисида пухта муҳокама қилиниб 13 нафар раҳбарга жазо чоралари қўлланилди, 10 нафар раҳбардан эса шикоятда келтирилган фактлар тасдиқланганлиги учун 3624 сўм ундириб олинди.

Кўриниб турибдики, район халқ контроли комитети, группа ва пост аъзолари текширишларнинг самарадорлигини ошириш йўлида баракали меҳнат қилмоқдалар. Бу ишимизда камчилик йўқ, деган маънони билдирмайди. Ҳали ҳам айрим группа ва постлар текширишларни юзаки ўтказишмоқда. Баъзи ҳолларда текширишларга группа аъзолари тўла жалб этилмаяпти. Группа аъзолари текширишлар ўтказиш пайтида қишлоқ Советлари доимий комиссиялари, «Комсомол прожектори» аъзолари билан ҳамкорликда иш кўрмаяптилар. Ҳамма жойда ҳам текширишнинг ошкоралиги учун курашилмаяпти. Бир қатор хўжалик, корхона ва ташкилот раҳбарлари халқ назоратчиларининг иш шароитларини яхшилашга етарли эътибор бермаяптилар.

Айни кунларда ана шу камчиликларни бартараф этиш, барча ишларни КПСС XXVII съезди талаблари асосида қайта қуриш, жадаллаштиришга алоҳида аҳамият бериш, жамики ишларимизни янги талаблар асосида ташкил этишга ҳаракат қилмоқдамиз. Бу ижобий самаралар бериши турган гап.

М. БОБОМУРОДОВ,
Термиз район халқ контроли комитетининг раиси.

● Ажаб савдолар

Тарки одат...

Чиллаки чиллакини кўриб чумак уради, деганларидек, Амударё районидаги В. И. Ленин номли ўрта мактаб буфетчиси Вафоевани кўриб, ошпаз Қличеванинг нафси ҳакалак отиб кетди. Вафоева мактаб ўқувчиларининг тийинидан уриб қолишга одатланган бўлса, Қличева уларнинг ризқини ўмаришни канда қилмасди. Тарки одат амри маҳол бўлганидек, ҳатто текшир-текшир бўлиб турган бир пайтда ҳам Қличева мактаб ўқувчиларига берилиши лозим бўлган гўштдан беш килограммини «уриб» қолди.

Стрелкова номли ўрта мактаб ошпази Хидирбоева ҳам ана шундай нафс балосига йўлиққанлардан. У 75 грамм ўрнига 50—55 граммлик сомса тайёрлаб, нормадаги 25 грамм ўрнига атиги 6 грамм гўшт солган ва шу йўл билан 5 килограммдан ортиқ гўштни чегириб қолган. Умуман райондаги барча мактабларда икки хил манзара яққол кўзга ташланяпти. Бири — мактаб ўқувчиларига берилиши лозим бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари талон-торож қилинаётгани бўлса, иккинчиси — ўқувчиларнинг пухта билим олишлари учун шароит яратилмаганлигидир. Райондаги 13 та мактабда на ошхона ва на буфет бор.

Умуман, райондаги 28446 мактаб ўқувчисидан фақат 19 мингга яқини иссиқ овқат билан таъминланган. Бунинг устига тайёрланаётган таомларнинг сифати паст, турлари кам. С. Айний номли, Низомий номли, «Социализм», Карл Маркс номли, «Манғит», Гагарин номли мактаб ошхоналарига ўтган йил давомида карам, сабзи, қизилча каби маҳсулотлар умуман келтирилмаган.

Шаҳар матлубот жамияти раҳбарлари (раиси Т. Ражапова) мактаб ошхоналаридаги аҳволни била туриб, ўзларини сезмаганликка олиб юришибди. Шаҳар умумий овқатланиш идораси директори Жуманиёзов «Ҳамма яхши нарсалар болаларга» дейди-ю, бироқ 12226 дона тухумни вақтида ўқувчиларга бермай палағда қилиб қўйди.

Бундан ташқари текширишда қатнашган халқ назоратчиларининг хулосасига кўра айрим мактабларда ўқувчиларнинг нормал билим олишлари учун шароит йўқ. Мактаблар қишга тайёрланмаган. Ёқилғи запаслари тугаб бормоқда. Синф хоналари совуқ. Ўқувчилар дарс пайтларида телпак ва пальтоларини ечмай ўтиришади. Бундай аҳволга тоқайгача тоқат қилиш мумкин, ахир!

А. МАДАТОВ.

● Рассом шарҳлари

РЕКЛАМАЦИЯ САБАБИ

Жиззах область маҳаллий саноат бошқармаси тармоқларида фан-техника янгиликларини ишлаб чиқаришга жорий этиш юзасидан белгиланган планлар барбод берилмоқда. Бу эса меҳнат самарадорлигини, сифатини оширишга, асосий фондлардан фойдаланиш ва маҳсулот таннархига салбий таъсир этаётир. Маҳсулот турлари бўйича ишлаб чиқариш планлари бажарилмаяпти. Масалан, Жиззах тикувчилик фабрикасида (директор М. Акбаров) маҳсулотнинг тўққиз хили, Зомин бадиий буюмлар фабрикасида (директор П. Азимов) маҳсулотнинг ўн икки хили бўйича белгиланган топшириқлар уддаланмай қолди.

Бундан ташқари ўтган йили область маҳаллий саноат бошқармасида уч турдаги 226 минг сўмлик маҳсулотни «Н» тамғаси билан ишлаб чиқариш планлаштирилган эди. Афсуски, амалда бунинг акси бўлиб чиқди. Маҳсулотни олган истеъмолчилардан рекламациялар ёғилиб кетди. Бунинг устига 396 минг сўмликдан зиёд тайёр маҳсулотлар брак қилингани бошқарма корхоналаридаги ҳақиқий аҳволни яққол кўрсатиб қўйди.

ҚИШ ҒАМИНИ ЕМАГАНЛАР

«Ташплодоовощпром» бирлашмаси корхоналарида картошка, мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш ва аҳолига етказиб беришда жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда. Бирлашма бош директори З. Хўжаев ва унинг ўринбосари Э. Раҳмоновларнинг ишни ташкил этишда бўшашувчанликка йўл қўяётганлиги жуда ҳам қимматга тушаётир. Кузда етарли миқдорда сабзавот маҳсулотлари жамғарилмаганлиги, сифатли сақланмаганлиги сабабли бирлашма омборхоналарида ҳозир 28,9 минг тонна картошка, 24930 тонна мева қолган. Узум, анор ва витаминга бой бошқа хил мевалар тугаб қолди.

Баъзи корхона раҳбарлари бундан тегишли хулоса чиқариб олмаяптилар. Улар маҳсулотларни сақлаш ва савдога чиқаришга хўжасизларча муносабатда бўлишмоқда. Жумладан, Тошкент шаҳар халқ контроли комитети ўтказган текшириш пайтида 2- ва 3-мева-сабзавот комбинатларида (директорлари Т. Умаров, Л. Олимжонов) санитария-гигиена қоидалари қўпол тарзда бузилаётгани маълум бўлди. Омборларда сақланаётган картошка ва карамнинг 10 проценти, тузланган помидор, карам ва бодрингнинг 40 проценти, олманинг 14 проценти чириб, яроқсиз ҳолга келиб қолган.

ҲАМОН ЭСКИЧА УСЛУБ

Ильич район халқ маорифи бўлими ҳамон эскича иш услубларидан қутула олмаяпти. Бу айниқса маориф раҳбарларининг одамлардан тушаётган ариза ва шикоят хатларига муносабатида яққол сезилиб қоляпти. Жумладан, 1984 йилдан буён ана шундай ариза ва шикоят хатларининг бирортаси ҳам рўйхатга олинмаган. Ҳатто район халқ маорифи бўлими мудири Х. Шукуров имзо чекиб олган учта шикоят хати ҳам бирор рўйхатда қайд этилмаган.

Меҳнаткашларнинг талаб ва эҳтиёжларига беparво муносабатда бўлинаётгани сабабли болаларни боғчага жойлаштириш тартиби қўпол тарзда бузилаётир. Район халқ контроли комитети ўтказган текширишда ана шулар маълум бўлди. (Текшириш ҳужжатларидан).

«Сотиб олинадиган оғу» мақоласини ўқиб

ИРОДАСИЗЛИК ОҚИБАТИ

Газетангизда босилган «Сотиб олинадиган оғу» мақоласи менда яхши таассурот қолдирди. Шу муносабат билан ўз фикр-мулоҳазаларимни ёзишни лозим топдим.

Маълумки, сиҳат-саломатлик учун кураш бизнинг жамиятимизда ҳам шахсий, ҳам ижтимоий масалаларнинг бири ҳисобланади. Шундай экан, биз чекишнинг ҳар қандай формасига, айниқса, никотинга қарши туришимиз, албатта, шартдир.

Чекишни ёқтирмаган донишмандларни, илм аҳллари ва арбобларни ким билмайди дейсиз?! Улардан ибрат олиш керак. Менингча, маст киши ҳушёр одамга қанчалик ёқимсиз туюлса, чеккан киши ҳам чекмаганлар учун шунчалик ёқимсиз туюлиши табиийдир. Ахир, кўпчилик олдида, ишхонада ёки тўй-маросимларда папирос ёки носвой чекиш маданиятсизлик эмасми?! Наҳотки, шу ҳам мансаб бўлса?!

Афсуски, баъзи кишилар гиёҳвандликни диққатчиликни ёзадиган восита деб қарайдилар. Бу мутлақо нотўғри. Айниқса, меҳнаткаш кишилар учун чекиш ортиқча юк.

Киши хушфеъл, асаби мустаҳкам, табиатан босиқ ва маданиятли бўлса, ҳеч қандай диққатчиликка ва қизиққонликка ўрин қолмайди. Умуман олганда, ёмон одатларнинг киши соғлиғига зарар келтиришдан бошқа нимаси бор?! Ҳар бир одам табиатан вақтичоғ юрса қандай яхши! Бунинг учун киши ўзини қўлга ола билиши керак.

Ёшим 50 дан ошди. Гиёҳвандликка майл бермай келдим. Оилада беш фарзанд ўстирдик. Бизда ҳеч ким ҳеч нарса чекмайди. Бундан кейин ҳам ниятимиз шу.

С. НИЗОМИДДИНОВ,
Фарғона область, Риштон шаҳри.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти қуйидаги китобларни ўзбек тилида босмадан чиқарди:

Сергей Алексеев. Ленин ҳақида ҳикоялар. 128 бет. Баҳоси 35 тийин.

Тўпламга муаллифнинг В. И. Ленин ҳақидаги ҳикоялари киритилган. Бу ҳикояларда буюк инсон ва курашчининг ажойиб фазилатлари моҳирлик билан тасвирланади.

Эркин Воҳидов. Муҳаббатнома. Сайланма. Икки жилдлик. Биринчи жилд. 528 бет. Баҳоси 2 сўм 10 тийин. Садоқатнома. Сайланма. Икки жилдлик. Иккинчи жилд. 528 бет. Баҳоси 2 сўм.

Биринчи китобга шоирнинг шеър ва достонлари, «Садоқатномага» эса шеърлар, таржималар, достон ва драмалари киритилган.

Машраб Бобоев. Қани менинг юлдузим? Драмалар. 232 бет. Баҳоси 1 сўм 10 тийин.

Китобга киритилган асарларда давримизнинг долзарб масалалари, жамият ва инсон ҳаётидаги муаммолар, улар натижасида содир бўлган чуқур руҳий коллизиялар ишонарли тадқиқ қилинади.

Зикрилла Эгамбердиев, Тўлқин Расулев. (Тўпловчилар). Бир қултум фожиаси. Ҳажвиялар, воқеий ҳикоялар, шеърлар. 96 бет. Баҳоси 25 тийин.

Китобда ёзувчилар, шоирлар, донишмандлар, медиклар, оддий халқнинг ичкилик ва ичкиликбозлик ҳақидаги фикрлари баён этилади.

• Тошкент божхонасидан репортаж

МАМЛАКАТ БЕДАРВОЗА ЭМАС

ТУ-154 ҳаво лайнери қўниш майдонига оҳиста тушиб, аэровокзал биноси томон бурилди. Кўп ўтмай божхона навбатчисининг телефони жиринглади. Навбатчи инспекторлар группаси ўз иш жойларини эгаллашди. Божхона назорати ўтказиладиган залнинг бир томони «чегара зонаси». Бу ерда чет элдан келган авиайўловчиларни энг аввало чегарачилар кутиб олишади. Божхона текшируви бироз мураккаброқ: йўловчилар— у хоҳ чет эл граждани, хоҳ совет кишиси бўлсин —ўзи билан олиб келган ҳамма нарсаларни инспекторга кўрсатиши шарт. Божхона қонунлари қатъий.

Илгари божхона СССР Ташқи савдо министрлиги таркибида иш кўрарди. Ўтган йилдан бошлаб бу хизмат мустақил давлат органи ҳуқуқида иш кўра бошлади. Эндиликда Тошкент божхонаси тўғридан-тўғри СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат бож назорати бош бошқармасига бўйсунади. Хизматнинг бундай қайта қурилиши божхона ходимларига катта масъулият юклайди. Божхона ходимлари энди фақат контрабанда йўлини тўсиш, савдо-иқтисодий жиҳатдан зиён етказишнинггина олдини олиб қолмай, мафкуравий ёт буюмларнинг чегара орқали ўтказилишига ишончли ғов қўйишлари зарур.

Божхона ходими олдида илмий командировкага келаётган чет эллик йигит. Мана унинг нарсалари? Қонундан ташқари ҳеч нарса йўқ.

— Марҳамат, хуш келибсиз!

Тошкент ҳақиқатан ҳам Шарқ дарвозаси бўлиб қолди. Мамлакатимизга яхши ниятда қадам қўяётган ҳар бир кишига унинг эшиклари ҳамиша очиқ. Кейинги йилларда Совет Иттифоқига Тошкент орқали кириб келаётган чет эллик гражданлар кўпайди. Сайру саёҳат, таълим олиш, илмий-иқтисодий ҳамкорлик, ҳалқаро маданият ва спорт тадбирларида иштирок этиш ҳамда бошқа мақсадларда келаётган яхши ниятли кишиларга барча зарур шароитлар яратиб берилмоқда. Айни пайтда чет элларга бораётган совет кишилари оқими ҳам кўпайди.

— Бу ёққа қаранг,— чақириб қолди инспекторлардан бири.— Қизиқ нарса...

Совет Иттифоқида ўқийдиган чет эллик йигитнинг чамадонида бир неча пачка резина сақич топилди. Инспектор аста целлофан қобиғини очди, зарқоғоз ичида сақич ўрнига ўн сўмлик совет пули тўрт буклаб жойланган экан. Кейинги сақичдан ҳам бир неча дона шундай пул чиқди. Табиийки, бундай ҳолатда акт тузиб, пуллар давлат фойдасига олинади ва талаба ўқийдиган институтга хабар қилинади.

Ўзини гидротехник деб таништирган мана бу гражданин ҳам қонунда белгиланганидан кўп пулни беркитиб олиб ўтишни ихтиёр қилган экан. Мақсадига етолмади. Божхона ходимлари шошмай ишлашади. Ҳаракатларида вазминлик. Йўловчилар билан муомалада одоб қоидаларига оғишмай амал қилишади.

Лекин бизни бошқа бир нарса ўйлантириб қўйди. Йўловчилардан бири — чет элда таржимонлик вазифасида ишлаган ёшгина йигит ўзи билан бирга ғалати «ҳадя» олиб қайтибди. Одатда енгил машина калити осиладиган желвақлар. Улар рангли ишланган мўъжазгина ер шари шаклида эди. Глобусда қитъалар, океанлар, давлатларни аниқ кўриш мумкин.

— Давлатларнинг чегараларига эътибор қилинг,— деди божхона бўлимларидан бирининг бошлиғи А. Хўжаев. — СССРнинг Давлат чегарасини кўряпсизми?

Бир қарашда оддий безак бўлиб кўринган глобусчада Ватанимизнинг чегаралари қўпол равишда бузиб тасвирланган эди! Айниқса, мамлакатимизнинг Шарқи-шимолий қисми, жанубидаги Ўрта Осиё қисми негадир чегарага кирмай қолган. Албатта, бу қора ниятли кимсаларнинг атайлаб қилган «хато»си, аслида у ғоявий қўпорувчилик мақсадида ясалган. Афсуски, чет элда ишлаган совет граждани Ш. Каримовнинг ақли шунга етмабди...

Ҳозир божхона кўргазмасида совет кишиларининг ғоявий эътиқодларига раҳна солиш мақсадида ишланган буюмларнинг жуда кўп намуналари сақланмоқда. Улар орасида — АҚШ армиясини мақтовчи, қотилликка чорловчи сўзлар ёзилган, беҳаё тасвирлар туширилган кўйлаклар, турли тилда рангбаранг ишланган китоблар, даҳшат ва шаҳват тўла видеокассеталар, жамиятимиз табиатига ёт журналлар ва диний адабиётлар...

Чет эллардаги корчалонлар қонунсиз юк ва буюмларни бир амаллаб СССР орқали олиб ўтишга ҳаракат қилишлари бежиз эмас. Совет Иттифоқининг чегара ва божхона органлари қонунсиз юкларга ишончли тўсиқ қўя олишларини бутун дунё билади. Шундай экан, СССР орқали ўтган юкни бошқа давлатларнинг божхоналари худди кафолат ёрлиғини олган юк сифатида қабул қилишади ва текширишда ўта синчковлик қилиб ўтиришмайди. Шу сабабли бўлса керак, олис амалий сафарга чиққан коммерсант божхона назорати залида бир оз ортиқроқ ушланиб қолганидан унча асабийлашмади, ўзи билан олиб кетаётган катта суммадаги қоғоз доллар пулларни божхона инспекторлари синчковлик билан текшириб қалбаки эмаслигини аниқлаб беришларини эринмай кутди...

— Бу рейсни кутиб олиб расмийлаштириш анча осон ўтди, десак бўлади, — деди бизга текширувдан сўнг божхона бошлиғининг ўринбосари О. Маликов.— Қонунсиз нарсалар кам.

— Олег Сергеевич, эсда қоладиган воқеалар ҳам бўлиб турадими?

— Ҳа. Яқинда халқаро авиарейс орқали ғалати юк аниқроғи каттагина бандероль келиб тушди. Бандероль текширилганда унинг ичида 100 дона диний мазмундаги китоб чиқди. Китоблар ГФРда босилган бўлиб, Тошкентдаги муассасалардан бирининг номига йўлланган эди. Суриштирсак, бу ерда ҳеч қайси ташкилот ёки шахс бундай китобларга буюртма бермаган экан.

— Чет эл саёҳатига бораётган ватандошларимиз божхона қонун-қоидаларига қандай қарашади?

— Асосан ҳурмат билан қарашади. Нормадан ортиқча нарса на у ёққа, на бу ёқдан олиб ўтилмайди. Кўпинча, чет элдаги янги танишларига атаб СССР халқларининг турмуш тарзини, фан-маданият тараққиётини акс эттирувчи нашрлар, миллий кийимлар ва совғалар олиб кетишади.

Яқинда божхона назорати залида юкларни рентген орқали текшириш аппаратлари ўрнатилди. Бу аввало инспектор ишини енгиллатса, иккинчи томондан йўловчиларнинг вақти тежалади. Айниқса транзит йўловчилар маданий дам олиш учун етарли вақтга эга бўладилар.

Маълумки, мамлакатимизга келаётган чет эллик граждан учун Советлар диёри чегарадан — божхонадан бошланади. Бу ердаги ҳамма нарса — асбоб-ускуналар ҳам, хизмат ҳам замонавий бўлиши керак. Бироқ божхона юк ташиш эскалаторлари уч ойдан бери ишламайди. Йўловчилар чамадонларини қўлда кўтариб ўтишмоқда. Аэропорт маъмурияти айби билан божхона омбори қурилиши чўзилиб ётибди. Божхона коллективига уларнинг мураккаб, лекин шарафли ишларида амалий ёрдам бериш керак.

А. АБДУБАННОПОВ.

Суратларда: Божхонанинг ёш ходимларидан бири Наримон Қутлибоев; пастда — назорат пайтида олиб қўйилган митти глобусчалар шодаси. Ватанимиз чегаралари бузиб тасвирланган бу «ўйинчоқ»лар Гонконгда ишланган.

В. МОЛГАЧЕВ фотолари.

• Тошкент метроси қурилишида

ПОЙТАХТДАН ХУШХАБАР

Москвадан «Ташметрострой» тресги коллективи ўтган йилнинг IV квартали иш якунлари бўйича тармоқ Бутуниттифоқ мусобақасининг ғолиби деб топилди, деган хушхабар келди.

Проходкачилар, бетончилар, монтажчилар тармоқда энг юқори унумдорликка эришиб, барча ишларни пишиқ-пухта адо этдилар. СССР Транспорт қурилиши министрлиги ва тармоқ касаба союзлари Марказий комитетининг раҳбарлари имзолаган табрик телеграммасида шу ҳақда гапирилади.

Метрочилар ўз муваффақиятларини меҳнат салюти билан нишонладилар: аниқ белгиланган муддатда янги участканинг иккита станцияси безаш учун топширилди. Бу дастлабки поездлари 7 ноябрда қатнай бошлайдиган «Сельмаш» ва «Чкалов» станцияларидир.

«Сельмаш» станциясидаги меҳнат мусобақасида Ленин ордени кавалери Д. Люстер бошлиқ комплекс бригада пешқадамлик қилди. С. Вишеволавцев ва В. Маглев раҳбарлигидаги бригадалар «Чкалов» станциясида зарбдорларча ишламоқда.

— 1 январдан бошлаб бутун трест хўжалик ҳисобига ўтди, — деб хабар берди партия комитетининг секретари Х. Мусаев. — Бу эса таъминотдаги кўпгина камчиликларни бартараф этишга, мутахассислар ва ишчиларнинг масъулиятини оширишга имкон берди. Хўжалик ҳисоби кам одамлар билан катта ишларни бажаришга, кўплаб моддий ресурсларни тежаб қолишга кўмаклашади.

Ўзбекистон линиясининг иккинчи участкасида проходкачилар тоннелнинг кичик бир қисмини — темир йўл узелининг бир қисмини ётқизишлари керак, холос. Амалдаги ҳаракат март ойида бошланади. Учинчи участкада — «Навоий» ва «Чорсу» станциялари ўртасидаги масофада икки юз метрдан сал кўпроқ жойда иш қолган.

Хабар қилинганидек, 1990 йилга бориб ана шу линияда олтита янги станция пайдо бўлади, кейин эса Юнусобод массивига олиб борадиган линияга навбат келади.

Л. ЛЕВИН, ЎзТАГ мухбири.

• Спорт

САМБО:

КУЧЛИЛАР САРАЛАНДИ

СССР 50 йиллиги номли «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси спорт комплексининг кураш зали бир неча кун мобайнида гавжумлашиб турди. Бу ерда республикамизнинг турли бурчакларидан тўпланган 230 дан ортиқ самбочи ўртасида Ўзбекистон чемпионлиги учун қизғин беллашувлар бўлди. Финал беллашувлари айниқса мухлисларда яхши таассурот қолдирди. Ш. Гулов (Бухоро) вазни 48 килограммли полвонлар баҳсида ғолиблик супасига кўтарилди. 52 килограмм вазнли курашчилар баҳсида Аркадий Лян (Бухоро) билан Улуғбек Мавлонқулов (Тошкент) олтин медаллар учун ўзаро баҳслашдилар. Аркадийнинг чапдастлиги устун келиб ғалаба нашидасидан баҳраманд бўлди.

Республиканинг ўтган йилги чемпиони Олег Бучинцев (Тошкент) билан унинг ҳамшаҳри Маъруф Маҳмудовлар беллашуви ҳам қизиқарли бўлди. Олег зафар қучган бўлса-да, мутахассислар Маъруфнинг спорт мастери нормативини бажарганлигини қайд этдилар.

Халқаро классдаги спорт мастери, жаҳон кубоги совриндори, Европа чемпиони Эркин Холиқов (Қарши) пойтахт области вакили Сергей Левчикни мағлубиятга учратди. Қолган вазнларда О. Маъмуров (Тошкент области) О. Михеев, Ф. Аъзамов А. Звягинцев, В. Рябинин С. Червяков (ҳаммаси Тошкент)лар ҳам Ўзбекистон чемпиони номига сазовор бўлишди. Команда ҳисобида Тошкент курашчилари ғалаба қозонишди.

— Самбочилар беллашуви республикамиз пойтахтида 11—15 март кунлари ўтказиладиган СССР чемпионати олдидан ўзига хос шайлик кўриги бўлди, — дейди жаҳон чемпиони Сайфиддин Ходиев.

А. АЛИМОВ.

• «Совет Ўзбекистони» рейди

САВДОДА ТАРТИБ БЎЛСИН!

Қиш охирлаяпти. Киши организми кўк витаминларга тобора кўпроқ эҳтиёж сезмоқда. Янги пишадиган мева ва сабзавотларга эса ҳали вақт эрта. Мана шундай пайтда савдо ташкилотларининг ўз ишини қайта қура олмаётгани аҳолига қимматга тушмоқда. Область матлубот союзининг 6 ташкилоти, давлат савдосининг 2 ташкилоти қишга сабзавот ғамлаш планини бажармади. Айниқса мавсумга қараб, сабзи, лавлаги, хўл мева ҳозирлаб қўйиш планлари барбод қилинди. Бунинг оқибатида область матлубот кооперацияси ва давлат савдоси омборхоналарининг деярли ярми бўм-бўш турибди.

Ғиждувон, Ромитан район матлубот жамиятлари, область агросаноат комитетининг мева-сабзавот савдоси бошқармаси магазинларини айланар эканмиз, пештахталарга қўйилган сабзавот ва мева маҳсулотларининг хили ниҳоятда кам эканлиги маълум бўлди. Калинин номли матлубот жамияти (правление раиси М. Қўчқоров) омборхоналарида фақат пиёз ва картошка бор, холос. Ғиждувон район тайёрлаш идораси (директор ўринбосари Х. Элов) ҳужжатларида аҳолига сотиш учун айни вақтда 621 тонна мева-сабзавот бор, деб қайд этилган. Амалда эса унинг учдан бир қисми ҳажмида маҳсулот бор холос.

Шаҳар мева-сабзавот савдоси бошқармаси раҳбарларининг (директори Ғ. Аҳмедов) масъулиятсизлиги туфайли вагонлардаги юклар ўз вақтида ташиб олинмаганлиги учун 60 минг сўм жарима тўланди. Бошқарма дўконларини айланган киши ишга ҳамон эскича муносабатда бўлинаётганини кўради. Таажжубланарли томони шундаки, омборхоналарда етарли миқдорда бўлган маҳсулотлар ҳам вақтида дўкон юзини кўрмаяпти. Жумладан, бошқарманинг 2-магазинида худди ана шундай аҳволга дуч келдик.

Шу йилнинг 20 январь куни соат 11.45 минутда Бухоро шаҳар «Плодоовощторг»ининг 12-дўкони олдига келдик. Бир киши магазиндан икки шиша арақ олиб чиқаётгани ҳайратлантирди. Магазин ичкарисига кирганимизда сотувчи С. Бобожонов сабзавот ўрнига қонунга хилоф равишда арақ савдосини ҳам «йўлга қўйиб» юборгани маълум бўлди. Текшириш жараёнида бу ердан 25 шиша арақ чиқди.

«Ўзагропромстрой»нинг 7-ишчилар таъминоти бўлими (бошлиғи К. Атаев) омборхонасида 19 тонна мандарин, «Плодоовощторг» базасида 41 тонна узум чириб кетганини кўрдик. Бу давлат маблағларини кўкка совуришдан бошқа нарса эмас, албатта.

Сабзавот савдосидаги тартибсизлик ва пала-партишликларга савдо ходимларини танлаш, уларни тарбиялаш билан етарли шуғулланилмаётганлиги ҳам сабаб бўлмоқда. Баъзан номатлуб ишлар билан ўз обрў-эътиборини тўккан, жамоат манфаатларига лоқайд муносабатда бўлаётган юлғичларга ҳам савдо тармоқларидан ўрин берилаётир. Масалан, Л. Байрамова деган шахс илгари шаҳар озиқ-овқат савдоси бошқармаси базасида ишлаб 16 минг сўмлик камомадга йўл қўйган эди. Бироқ уни сотувчи сифатида ишга қабул қилган «Плодоовощторг» раҳбарлари бу нарса билан ҳатто қизиқишмади.

Мавжуд аҳвол область давлат савдоси ва матлубот кооперацияси раҳбарлари тармоқда ўзгаришлар қилиш учун таъсирчан чора-тадбирлар кўрмаётганликларини кўрсатиб турибди. Ҳамон иш икроси устидан назорат кучайтирилмаётир. Ҳолбуки, областда сабзавот ва мева савдосини ташкил этиш, уни ғамлаш ва авайлаб-асрашда қатъий тартиб ўрнатиш, бу соҳада мавжуд имконият ва резервлардан оқилона фойдаланиш бугунги куннинг талабидир.

Н. НАИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Б. ЕДГОРОВ,
область халқ контроли комитетининг инспектори.

Ш. МИРЗАЕРОВ,
область давлат бош савдо инспектори.

РЕКЛАМА ✿ ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИЙ ВА МАДАНИЙ ЁДГОРЛИКЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ ЖАМИЯТИ

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўзбекистон тарихий ва маданий ёдгорликларни қўриқлаш жамияти правлениеси республика ва область газеталари редакцияларини Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишланган тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлаш ва пропаганда қилиш масалаларини матбуотда энг яхши ёритганлик учун ўтказиладиган конкурсда қатнашишга таклиф этади.

Конкурснинг мақсади — республикамиз халқлари тарихий-маданий меросини матбуотда кенг пропаганда қилиш, кишиларни Совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм руҳида тарбиялашдан иборатдир.

Газета ва журналларнинг редакциялари революция, жанговор ва меҳнат шон-шуҳрати, археология, архитектура, монументал санъат ёдгорликлари ҳақида уларни сақлаш, тиклаш ва улардан кенг фойдаланиш юзасидан давлат органлари ва Ўзбекистон тарихий ва маданий ёдгорликларни қўриқлаш жамиятининг ёдгорликларни муҳофаза этиш ҳақидаги қонунига мувофиқ равишдаги фаолияти ҳақида босилган турли жанрлар (мақолалар, очерклар, репортажлар ва ҳакозо)даги материалларни конкурсга тақдим этадилар.

КОНКУРС 1987 ЙИЛ 19 ФЕВРАЛДАН БОШЛАБ 1 ОКТЯБРГА ҚАДАР ЎТКАЗИЛАДИ.

ҒОЛИБЛАР УЧУН ЖАМИЯТ ПРАВЛЕНИЕСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҚЛАРИ ВА ПУЛ-МУКОФОТЛАРИ ТАЪСИС ЭТИЛГАН:

редакциялар учун — 1 та биринчи мукофот — 500 сўм;
1 та иккинчи мукофот — 300 сўм;
1 та учинчи мукофот — 200 сўм;
авторлар учун — 3 та биринчи мукофот — 250 сўмдан;
5 та иккинчи мукофот — 100 сўмдан;
7 та учинчи мукофот — 50 сўмдан.

Мурожаат учун адрес: 700024, Тошкент шаҳри, Намойишлар ҳиёбони, 5-уй.

ТОШКЕНТЛИКЛАР ДИҚҚАТИГА!

СПОРТНИНГ ҚИШКИ ВА ЁЗГИ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА ОЛИМПИЯ РЕЗЕРВИ ГРУППАЛАРИНИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН

РЕСПУБЛИКА ЎҚУВ-МАШҚ БИРЛАШМАСИ

БОКС, РИТМИК ГИМНАСТИКА, ФИГУРАЛИ УЧИШ ВА БОЛАЛАР ҲАМДА КАТТАЛАР УЧУН УМУМИЙ ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИК

ПУЛЛИК СОҒЛОМЛАШТИРИШ ГРУППАЛАРИГА ҚЎШИМЧА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ГРУППАЛАР ҚАТНАШУВЧИЛАРНИНГ ЁШИГА ҚАРАБ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ.

Группаларга ёзилиш учун саломатлиги ҳақида справка, касаллик тарихи варақасидан кўчирма (асоратли касалликлар билан бетоб бўлганлар учун), картограмма, икки дона фотосурат топширишлари лозим.

МАШҒУЛОТЛАР ҲАФТАДА УЧ МАРТА ТАЖРИБАЛИ ТРЕНЕР-МЕТОДИСТЛАР ТОМОНИДАН ОЛИБ БОРИЛАДИ.

«ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ ЗАЛИДА:
ритмик гимнастика бўйича, 15 ёшдан бошлаб — соат 7, 8, 18, 19, 20, 21.00 да;
болалар умумий жисмоний тайёргарлик группаларига — соат 19, 20.00 да;
болалар фигурали учиш группаларига — соат 18, 19.00 да.
болалар бокс группаларига — соат 15, 17.00 да.

РЕСПУБЛИКА ВЕЛОТРЕКИДА:
велосипедда умумий жисмоний тайёргарлик группаларига соат 8 ва 19.00 да.

«ТЕННИС САРОЙИ»ДА
ритмик гимнастика бўйича умумий жисмоний тайёргарлик группаларига, 15 ёшдан бошлаб — соат 8, 9, 19 ва 20.00 да.

РЕСПУБЛИКА ЎҚУВ-МАШҚ БИРЛАШМАСИДА СПОРТНИНГ СИЗЛАРНИ ҚИЗИҚТИРГАН ТУРЛАРИ БЎЙИЧА КЛУБ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН:
«ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ ЗАЛИДА — хоккей ишқибозлари клуби;
«ТЕННИС САРОЙИ»ДА — спортнинг ўйин турлари бўйича клуб.

ГРУППАЛАРГА ҲАММА ҚИЗИҚҚАНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

СПРАВКАЛАР УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:
«Юбилей» Марказий спорт зали — 46-07-53, 46-68-77 (администратор).
Республика велотреки — 29-44-64.
«Теннис саройи» — 62-76-83, 62-76-84.

Тошкент политехника институти қошидаги

ЎҚУВ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ

ТУГАТИЛДИ

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қуйидаги адресда қабул қилинади: 700095, Тошкент шаҳри, Студентлар шаҳарчаси.

«Узоргэнергогаз» ихтисослаштирилган бошқармаси 16-Муборак цехининг йўқолган

ДУМАЛОҚ ПЕЧАТИ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **ЯНГИ ПРОГРАММА. ҲАЙВОНЛАР АТТРАКЦИОНИ.**

Театр

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 19/II да **Асрга татигулик кун.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 19/II да **Тошболта ошиқ.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 19/II да **Майсаранинг иши.**

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Президиуми, Физика-математика фанлари бўлими, Математика институти ва Тошкент илмий маркази коллективлари Математика институти директори, Тошкент илмий маркази раиси, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Т. Ж. Жўраевга онаси

Ҳамро ОЧИЛОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент халқ хўжалиги институти ректорати, партия комитети, жамоатчилик ташкилотлари ва фалсафа кафедраси коллективи шу кафедра доценти Ю. С. Сатторовга онаси

Рўзигул САТТОРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Редактор Л. ҚАЮМОВ.

• Тингланг, томоша қилинг — 19 февраль, пайшанба

Телевидение

МТ-I. 8.00 — Зарядка. Мультфильм. Музика 8.30 —Время. 9.15— Дунё ва ёшлар. 9.50— Ҳайвонот оламида. 10.50 — Мультфильмлар. 11.30 — «Қаср артисткаси». Бадиий фильм. 13.05 ва 16.30 —Янгиликлар. 16.45 — Ҳужжатли фильм. 17.15 — Ассалом, музика. 17.45 —Финляндия — бугун. 18.15 —Ҳужжатли фильм. 19.15 —Дунё воқеалари. 19.30 —Ҳужжатли фильм. 19.45 — Чехословак артистлари эстрада концерти. 20.15 — Бадиий фильм. 21.30 —Время. 22.05— Ҳужжатли фильм. 22.15 —Резонанс. 24.00 —Дунё воқеалари.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Илмий-оммабоп фильм. 9.35 —Ўқув кўрсатуви. 10.05— Ўқув кўрсатуви. 11.05 —СПТУ ўқувчиларига. 11.35 — Оила ҳаётида этика ва психология. 12.05 — Шахмат мактаби. 13.05 —Илмий-оммабоп фильм. 13.30 —Физика. 13.55 —Чанғи спорти. Жаҳон чемпионати. 14.40 —Янгиликлар. 15.55 — Чанғи спорти. Жаҳон чемпионати. 18.15 — Концерт. 18.30 —Янгиликлар. 18.45 —Жаҳон музика маданияти хазинасидан. 19.25 —Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун. 19.55 — Академик Л. Н. Кошкиннинг далиллари. 20.25 —Ҳаракат хавфсизлиги учун. 20.30 —Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Ритмик гимнастика. 21.15 — Ҳужжатли фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Музикали кўрсатув. 23.25 — Янгиликлар. 23.35 —Баскетбол. Европа чемпионлари кубоги.

ЎзТВ-I. 7.00 — Ритмик гимнастика. 7.30 —Комсомол съезди олдидан. 7.50 —Салом, кичкинтойлар! 8.00 — Ахборот. 8.20 —Қардошлик тароналари. 16.35 — Физика. 17.10 — Телефильм. 17.30 —Янгиликлар 17.40 — Зоология. 18.15 —Кўшиғим, жон қўшиғим. 19.00 — Элга хизмат: талаб ва таклиф. 19.30 — Ахборот. 19.45 —Номахоним. Адабий кўрсатув. 20.15— Телефильм. 20.30 —Ахборот. 20.50 — Комсомол съезди олдидан. 21.30 — Время. 22.05 — Қишлоқ хўжалик билимлари университети. 22.50— «Сени кутамиз, Темур». Бадиий фильм.

ЎзТВ-II. 19.30 — «Биринчи йўловчилар». Бадиий фильм. 1-серия. 20.50 —Реклама. 21.00 —Яхши кайфият хизмати. 21.30 —Время. 22.05 —Реклама. 22.15 «Қизил велосипед». Бадиий фильм.

Радио

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Ўзбекистон композиторларининг қўшиқлари. 9.30 — Ленинча дўстлик байроғи остида. 12.10 — Ишчинома. 13.00 — Малши. 13.30 — Ёшлар санъати. 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш. 15.40 — Инқилоб ворислари. 18.15 — Совет кишиси чет элда. 18.30 — Ўзбекистон Давлат телерадиоси хор коллективининг Ҳамза номли музика билим юрти талабалари билан ижодий учрашуви. 19.20 — Юность Узбекистана. 21.00 — Халқаро кундалик. 21.10 — Қармоқ. 21.30 — Чорвадорлар учун концерт. 22.30 — Радиотингловчилар таклиф этган программа асосида концерт.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси: 700083, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.